2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 230 (1829), 2026 йил 6 ноябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ОСТОНА ШАҲРИДАГИ УЧРАШУВЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ҳамда Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II таклифига биноан амалий ташриф билан Остона шаҳрига келди.

Аэропортда мамлакатимиз етакчисини Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

6 ноябрь куни Президентимиз сунъий интеллект соҳасида хавфсизликни таъминлаш, унинг террористик ва экстремистик мақсадларда ишлатилиши билан курашиш ҳамда янги технологик хатар ва таҳдидларга қарши туришда халқаро ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ақаба жараёни доирасидаги учрашувида иштирок этади.

ЎзА

ТОҒ-КОН САНОАТИДА ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев “Навоийуран” корхонаси ва “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” акциядорлик жамиятининг 2026 йилдаги устувор вазифалари ҳамда келгуси режалари юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда жаҳонда муҳим минераллар ва металларга талаб жадал ўсиб бормоқда. Хусусан, анъанавий металларга талаб йилига ўртача 1 фоизга ўсаётган бўлса, критик минераллар бозорида бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этмоқда. Шунга мос равишда мамлакатимизда ҳам мавжуд минерал-хомашё базасидан самарали фойдаланиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Тақдимотда дастлаб “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” фаолияти ва уни ривожлантириш режалари кўриб чиқилди.

Комбинатда геология-қидирувдан тортиб, қазиб олиш, бойитиш, чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ технологик занжирни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил якунига қадар 12 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар турини кўпайтириш, юқори софликдаги селен ва теллур ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари муҳим минераллар бўйича истиқболли лойиҳаларни тезлаштириб, мавжуд 5 турдаги маҳсулотга (вольфрам, молибден, селен, теллур, рений) қўшимча равишда яна 11 турдаги маҳсулот (никель, кобальт, графит, сурма, қалай, марганец, платина, ванадий, симоб ва мис) ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифасини қўйди. Шунингдек, соҳага илм-фан ютуқларини кенг жалб этиб, қўшимча минерал захираларни аниқлаш муҳимлиги таъкидланди.

Режага кўра, 2030 йилгача 16 турдаги муҳим металлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини 2,7 миллиард доллардан ошириш кўзда тутилмоқда.

Айниқса, вольфрамни чуқур қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳалар ишлаб чиқилган. Уларни амалга ошириш учун 1,1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, 2030 йилга бориб, ушбу йўналишда ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 2,2 миллиард долларга етказиш мўлжалланган.

Шунингдек, ноёб ва камёб ер элементларига бой истиқболли майдонларни ўзлаштириш, комбинатнинг ресурс базасини кенгайтириш ва инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан таклифлар кўриб чиқилди.

Тақдимотда “Навоийуран” корхонасининг жорий йилдаги фаолияти ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш режалари ҳам муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда жаҳон бозорида уран хомашёсига талаб 15-20 фоизга ошган. 2030 йилгача эса яна 28 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Бундай шароитда мамлакатимизда уран қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, янги конларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уран саноатини зарур ресурслар билан барқарор таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу мақсадда жорий йилда геология-қидирув ва технологик бурғилаш ишларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, қўшимча сорбция қурилмаларини ишга тушириш ҳамда 250 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишда зарур кимёвий реагентлар таъминоти муҳим ўрин тутади. Шу боис, маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги кооперацияни кучайтириш, техник олтингугурт, сульфат ва нитрат кислотасини етказиб бериш ҳажмларини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Президентимиз ишлаб чиқаришда муқобил технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш, 2030 йилгача сульфат кислотаси ўрнини босувчи реагентлар улушини 40 фоизга етказиш зарурлигини қайд этди.

Умуман, ушбу чора-тадбирлар ва янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига 2030 йилгача уран ишлаб чиқариш ҳажмини жорий йилдаги 7,5 минг тоннадан 15 минг тоннага, аниқланган захиралар ҳажмини эса 200 минг тоннага етказиш режалаштирилмоқда.

Тақдимот якунида мутасаддиларга инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, корхоналарнинг минерал-хомашё базасини мустаҳкамлаш, янги технологик қувватларни ишга тушириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

ЎЗ ИШИМИЗ – ЎЗ ҒАЛАБАМИЗ!



1980 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ТОНГИ. ҚЎРҚУВ

Ўшанда 10 яшар бола эдим. Аммо даврнинг баъзи оғирликларини, турмушнинг мавсумий ташвишларини, катталар қайғуларини кичик жуссам ва мурғак ақлим билан ҳис эта бошлаганимни ҳозир ҳам яхши эслайман.

Отам раҳматли Иккинчи жаҳон урушида ва ундан кейинги аллақандай тушунарсиз ҳарбий сафарбарликда 7 йил жанг қилган. Уруш йилларининг ўқли жароҳатидан ташқари, унинг вужудини яна бошқа аламлар, ўкинч ва мустабид бир дардлар ҳам қақшатиб турганини ич-ичимдан, болаларча бир сезги билан англардим...

Эрта тонгдан ҳовлидаги шовқин-суронлардан уйғониб кетдим. Мавҳум хавотир билан деразадан ҳовли томон мўраладим. Хазонрезги бошланган. Катта шохига ип арқондан арғамчи осилган ўрик дарахтидан ерга тўкилган барглар устида кузги шудринг томчилари товланади. Бўғиқ, жаҳлдор ва аламзада сўзлар аралашган овозлар дарвоза томондан эшитилади.

— Қизимнинг иситмаси чиқиб турибди, бир-икки кун уйда қолишга рухсат беринглар, — дейди отам кимгадир.

— Мусурмон ота, ўзингиз урушда бўлгансиз, ўша пайтларда манов аскар шамоллаб қолибди, иситмаси бор экан, қўйинглар, дам олсин деганини кўрганмисиз, йўқ. Яхши тушунасиз, пахта ҳам катта бир фронт. Шамоллаш-памоллаш деган гаплар кетмайди. Планни бажаришимиз керак ахир. Пахта бу сиёсат, унга қарши чиққанлар давлатга, сиёсатга душман, — дейди у.

Эгнимга онам тикиб берган пахтали чопонимни илиб, секин ташқарига чиқдим. Дарвоза томон юриб, қарасам, мактабимиз директори турибди. Билишимча, опам пахта теримига чиқмагани учун, уйга ўзи келиб, уни олиб кетмоқчи. Аҳди ҳам, шахди ҳам шу.

“Давлатга, сиёсатга душман”. Бу сўзни эшитган отамнинг ранги оқариб кетди. Мен эса қалтираб, девор пинжига тиқилдим. Даҳшатли сўз — душманлик...

Хуллас, ўша куни директор касал опамни далага олиб кетди. Мажбурлаб-мажбурлаб олиб кетди. Ота-онам уйда изиллаб-изиллаб қолаверди, давлатга, сиёсатга душман бўлишдан қўрқди. Асло ўзлари учун қўрқмади, опам, мен, ака-укаларимнинг эртанги кунидан қўрқди улар. Мен ҳам кўп йиллар қўрқувда яшадим. Ҳар сафар куз бошланаверса, ўша воқеа ёдимга тушиб, қўрқавердим-қўрқавердим. Шу биргина қўрқув исканжасида роппа-роса 48 йил умрим ўтибди. Бир эл янгиланадиган давр бу.

Мен ўзим пахта иши билан боғлиқ яна бир қатор “анъаналар”га гувоҳ бўлганман. Тўғри уларни кейинроқ ҳам айтсам бўларди, аммо ҳозир ўша даврларнинг аччиқ алами устида ўтириб, ҳаммасини айтиб-айтиб олгим келаётган бўлса, менда нима айб?!

Давоми 3-бетда

Нуқтаи назар

ТАРИХИЙ ХИРМОН – ИЛМ-ФАН, ИСЛОҲОТ ВА ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Президентимизнинг Ўзбекистон деҳқон ва фермерлари, кластер ходимлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига йўллаган табригида пахтачиликда эришилган тарихий натижанинг мазмун-моҳияти, уни таъминлаган омиллар ва келгуси вазифалар чуқур таҳлил этилган. Ушбу ютуқ, аввало, соҳадаги ислоҳотлар, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, замонавий агротехнологиялар ҳамда деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

Табрикда қайд этилганидек, мамлакатимизда илк бор 5 миллион тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этилди. Бу натижа пахтачилигимиз тарихида янги босқични бошлаб бергани билан бирга аграр соҳада танланган тараққиёт йўлининг тўғрилигини ҳам тасдиқлайди.

Аввало, ушбу тарихий натижага ҳисса қўшган барча деҳқон ва фермерларимиз, кластер ходимлари, агрономлар, сувчилар, механизаторлар, олимлар ва соҳа мутахассисларига самимий миннатдорлик билдирамиз. Бу йилги хирмон ортида минглаб инсонларнинг машаққатли меҳнати, билими ва тажрибаси, ўз ишига масъулият билан ёндашуви мужассам.

Энг муҳими, бу натижага пахта майдонларини кенгайтириш орқали эмас, балки ҳар бир гектар ердан олинаётган ҳосилни кўпайтириш, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига эришилди.

Пахтачиликдаги эски ёндашувлардан янги тараққиёт моделига

Давлатимиз раҳбари табрикда собиқ иттифоқ давридаги пахтачилик билан бугунги натижаларни таққослаб, соҳадаги ўзгаришлар кўламига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас.

Ҳақиқатан, ўтган асрнинг 80-йилларида қарийб 2 миллион гектар ер пахта етиштиришга ажратилгани ҳолда, ўртача ҳосилдорлик 30 центнердан ошмаган. 2000 йилда эса 1,4 миллион гектар майдондан 3 миллион тонна пахта йиғиб олинган.

Кейинги йилларда чигит экиладиган майдонларни 38 фоиз қисқартириш, пахта монополиясига барҳам бериш, мажбурий меҳнат амалиётини тугатиш ва соҳани илм-фан ҳамда замонавий агротехнологиялар асосида ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилди.

Давоми 2-бетда

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТ БЎЛСА, ҲАР БИР АЁЛДА УЛКАН САЛОҲИЯТ БОР

Муносабат



Куни кеча ҳаётимдаги энг ҳаяжонли, унутилмас кунлардан бири бўлди. Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи доирасида ўтказилган йиғилишда туманимизни ривожлантириш бўйича 2027 йилгача белгилаб олган йирик режаларимиз ва истиқболли лойиҳаларимиз ҳақида сўзлаб бердим. Президентимиз камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб, мени “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирлаш тўғрисида фармон имзолашини эълон қилди.

Кўксимга бу юксак мукофот тақиб қўйилаётган лаҳзаларда кўз олдимдан шифокорлик йилларим ва ҳокимлик масъулиятини елкамга олган илк кунларим бирма-бир ўтди. Ўтган йили “Эл-юрт ҳурмати” орденига лойиқ кўрилган эдим. Навбатдаги нуфузли мукофот эса елкамдаги масъулиятни янада оширди.

Давоми 2-бетда

Бу йил қарийб 400 минг гектар майдонда ўртача ҳосилдорлик 70 центнерга етгани, салкам 70 минг гектардан эса 100-110 центнергача ҳосил олингани ана шу илмий ва технологик ёндашувларнинг амалий натижасидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 6 ноябрь, 230-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТ БЎЛСА, ҲАР БИР АЁЛДА УЛКАН САЛОҲИЯТ БОР

Муносабат



Наргиза НЕЪМАТОВА, Бухоро вилояти Олот тумани ҳокими, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

Тўғрисини айтишим керак, ушбу муваффақиятлар фақат меники эмас. Бу — Олотнинг заҳматкаш, ор-номусли, бугунги ислоҳотларга ишониб, ўз тақдирини ўзгартиришга куч топган минглаб тумандошларимнинг мукофоти. Аслида, касбим шифокор. Йиллар давомида одамлар дардига малҳам бўлишга, уларнинг вужудидаги дардни, танасидаги оғриқларини даволашга интилдим.

2020 йилда эса Бухоро вилояти тарихидаги илк аёл ҳоким сифатида Олот туманига тайинландим. Шунда нафақат инсонлар соғлиғи, балки бутун бошли туман аҳлининг тақдири, ижтимоий дарди ва келажаги учун масъул эканимни янада теранроқ англаб етдим.

Ҳоким сифатида иш бошлаган илк кунларимда ўз олдимга катта мақсад қўйгандим: Бухоронинг шу олис ҳудудида чорасиз, эътибордан четда қолган, келажагига ишончини йўқотган бирорта ҳам хотин-қиз қолмаслиги керак. Шу боис, фаолиятимни бошлаган-даги илк ишимиз шароити оғир, ишсиз, уйсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қийналган хотин-қизлар учун 60 хонадонга мўлжалланган турар жой биносини қуриб, уларни иссиқ ва шинам бошпана билан таъминлаш бўлди. Қўллаб-қувватлов ва яратиб берилган кенг шарт-шароитлар туфайли бугун мутлақо янги Олот қурилди.

Биз нафақат уй-жой, балки келажагимиз бўлган фарзандларимиз тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Ҳоким бўлган вақтимда, яъни 2020 йилда бутун Олот тумани бўйича атиги 7 та боғча бор эди. Бугунги давр ислоҳотлари ва янгиланишлар нафаси самарасида замонавий, барча шароитларга эга мактабгача таълим ташкилотлари сони 35 тага етди.

Мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг энг инсонпарвар жиҳатларидан бири маҳаллабай ишлаш тизими ва “Аёллар дафтари” жорий этилгани бўлди. Бу шунчаки рўйхат эмас, синиқ кўнгилларни тиклаш, йиқилганни суяш тизимидир. Бугунги кунгача қийналган минглаб хотин-қиз билан учрашдим, дилдан суҳбатлашдим ва ҳар бирининг дардини ўзимникидек қабул қилдим.

Бунга биргина мисол — тумanimизнинг Баёт маҳалласида истиқомат қилувчи Хуршида Раҳимованинг ҳаёт йўли. Бу ёшгина аёлнинг турмуш ўртоғи иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз, қарамоғида эса вояга етмаган икки фарзанди бор эди. У билан илк бор суҳбатлашганимда оилада ёлғиз боқувчи бўлган бу аёлнинг нигоҳларида адоқсиз ўкинчни, нозиккина елкасида эса рўзғорнинг залворли юкини кўрганман.

Лекин биз Хуршидани шунчаки “Аёллар дафтари”га рўйхатга олиб, унга бир марталик моддий ёрдам бериш билан чекланиб қолмадик. Дастлаб ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик ва иссиқхона иши бўйича касб-ҳунарга ўқитдик, ҳунарли қилдик. Хуршиданинг ўзи ҳам тиним билмай меҳнат қилди, ердан ризқ ундириш сирларини ўрганди.

Унинг ғайратини кўриб, 2023 йилга келиб фаолиятини янада кенгайтириши учун қўшимча 29 миллион сўм кредит ажратилишини таъминладик. Натижада Баёт маҳалласида ҳақиқий мўъжиза содир бўлди. Яъни кечагина ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аёл бугун маҳаллий бозоримизга доимий равишда сархил помидор, бодринг, булғор қалампири ҳамда сифатли ниҳол ва кўчатлар етказиб берувчи катта тадбиркорга айланди.

Ҳозир унинг ўртача йиллик даромади 2019 йилдагидан уч баробар ўсиб, 50-60 миллион сўмни ташкил этади. Шу билан бирга, чорва боқишни йўлга қўйди. Салоҳиятини инобатга олиб, Хуршидани маҳалла фуқаролар йиғинига маҳалла банкири лавозимига ҳам ишга жойлаштирдик.

Мана, биргина аёл ҳаёти мисолида ислоҳотларнинг амалий натижаси! Кечагина давлатдан кўмак сўраган аёл бугун ўзи маҳалладошларига банк тизими орқали ёрдам бериб, жамиятнинг фаол аъзосига айланди. Туманимизда бундай аёлларимиз жуда кўп. Зеро, битта аёлнинг тақдири ўзгарса, бутун оила қувонади, жамият юксалади.



Энди ўзбек аёли фақат рўзғор ва ошхона билан чекланиб қоладиган даврлар ортда қолди. Хуршида каби минглаб опа-сингилларимиз мисолида кўриб турибмизки, бугун аёл сиёсатчи, тадбиркор, раҳбар ва жамиятнинг энг мустаҳкам устунидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бирор аёл давлат эътиборидан четда қолмайди.

Ҳозирги янгиланишлар жараёнида хотин-қизлар ҳаёти қанчалик фаровонлашиб бораётганини ўзим ҳокимлик қилаётган Олот тумани мисолида ҳар куни кўраман. Янги мактаблар, шинам тиббиёт масканлари ва янги иш ўринлари — буларнинг барчаси аҳолининг бахтли ва хотиржам яшаши учун қилинмоқда.

Менга берилган бу нуфузли мукофот тўхтаб қолишга эмас, аксинча, янгича шиддат, янада катта куч ва муҳаббат билан ишлашга ундайди.

Туманимизнинг ҳар бир фуқароси ўз оиламдек азиз. Биз ҳали маҳаллаларимизни бундан-да обод қиламиз, баъзи бир ҳаёт синовларида қийналаётган аҳолимизни қўллаб-қувватлашда давом этамиз. Уларнинг бахтли кунлари ва фаровон ҳаёти учун туман раҳбари сифатида бор куч-ғайратим, билим ва тажрибамни сарфлашдан асло чарчамайман.

ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
УШБУ МАҚОЛАНИ

ТАРИХИЙ ХИРМОН – ИЛМ-ФАН, ИСЛОҲОТ ВА ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу ўзгаришлар пахтачиликнинг иқтисодий ва ижтимоий мазмунини тубдан янгилади. Энди асосий мақсад кўпроқ майдонга пахта экиш эмас, балки мавжуд ер, сув ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиб, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулот етиштиришдан иборат.

Президентимиз келтирган рақамлар бу йўлнинг самарасини яққол кўрсатади: ўтган даврда пахта ҳосилдорлиги 21 центнердан 56 центнерга етди. Яъни 2,7 баробар ўсишга эришилди.

Бу пахтачиликдаги ислоҳотларнинг энг муҳим натижаларидан. Чунки ҳосилдорликнинг ўсиши ердан фойдаланиш самарадорлиги, илмий ёндашув ва агротехнологик интизом кучайганини англатади.

Илм-фан ютуқларини далага олиб чиқиш — асосий вазифа

Бугун пахтачиликда эришилаётган натижаларни илм-фанни ишлаб чиқаришга яқинлаштирмай тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, сўнгги йилларда селекция, генетика, биотехнология, ўсимлик физиологияси, агрокимё ва тупроқшунослик соҳаларидаги илмий ишланмаларни бевосита дала амалиётига жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни жараёнда Пахтачилик кенгаши ташкил этилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Кенгаш олимлар, фермерлар, кластерлар ва соҳа мутахассислари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, илмий тавсияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, янги технологияларни синовдан ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш учун амалий майдонга айланмоқда.

Биз учун илм-фан натижаси фақат илмий мақола ёки лабораториядаги тажриба билан чекланмаслиги керак. У фермер даласида ўзининг амалий самарасини кўрсатиши, ҳосилдорликни ошириши, сув ва ресурслар сарфини камайтириши лозим.

Шу нуқтаи назардан, пахтачиликда ноанъанавий агротехнологияларни синаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш, агродронлар орқали ишлов бериш ва сунъий интеллект имкониятларини ўрганиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Халқаро илм-фан ҳамжамиятининг Ўзбекистон пахтачилигидаги ўзгаришларга эътибор қаратаётгани ҳам қувонарли. Жаҳон фанлар академияси — TWAS нашрида эълон қилинган “The science behind Uzbekistan’s cotton revolution” мақоласида ҳам мамлакатимизда пахтачиликни илмий асосда модернизация қилиш жараёни халқаро миқёсда таҳлил қилинди.

Мазкур эътироф зиммамизга янада катта масъулият юклайди: илм-фанни ишлаб чиқариш билан боғлаш, маҳаллий олимлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва илғор халқаро тажрибани миллий шароитга мослаштиришни давом эттиришимиз зарур.

Нуқтаи назар



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, қишлоқ хўжалиги вазири

самарадорлиги ўрганилиб, уларнинг мақбул ечимлари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бу йил қарийб 400 минг гектар майдонда ўртача ҳосилдорлик 70 центнерга етгани, салкам 70 минг гектардан эса 100-110 центнергача ҳосил олингани ана шу илмий ва технологик ёндашувларнинг амалий натижасидир.

Агротехнологик интизом — юқори ҳосил

Пахтачиликда юқори ҳосил олиш биргина технология ёки тадбирга боғлиқ эмас. Бу — ўзаро боғланган агротехник жараёнларнинг ўз вақтида ва тўғри бажарилиши натижаси.

Шу боис, Пахтачилик кенгаши ишлаб чиқаришда агротехнологик интизомни кучайтириш, фермерларга илмий асосланган тавсияларни етказиш ва пахта етиштиришнинг муҳим талабларига риоя этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Пахтачиликдаги “8 та қонун” тамойили ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Унинг мазмуни чигит экишдан тортиб, ғўзанинг ривожланиши, озиқланиши, ҳимояси ва ҳосилни йиғиб олишгача бўлган барча жараённи илмий асосда ташкил этишдан иборат. Бунда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, сув таъминоти ва нав хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Чунки бир ҳудудда юқори самара берган агротехнология бошқа ҳудудда айнан шу натижани бермаслиги мумкин.

Президентимиз қайд этган мингга яқин фермер хўжалиги ва кластернинг гектаридан 100 центнердан ортиқ ҳосил олиши, 4000 дан зиёд фермернинг 60-70 центнерлик, 2500 нафарининг эса 80 центнердан юқори натижага эришиши бу борадаги тизимли ишларнинг ифодасидир.

Айниқса, Пахтакор туманидаги Анорбой Эшматов ва Жарқўрғон туманидаги Улуғбек Сўпиев каби фермерларнинг ҳар гектардан 110 центнердан ҳосил олгани катта тажриба ва меҳнат самараси. Бундай натижаларни ўрганиш, оммалаштириш ва бошқа ҳудудларда ҳам қўллаш муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Ҳудудларнинг натижаси — умумий тараққиёт кўрсаткичи

Президентимиз табригида алоҳида вилоятлар, туманлар ва илғор фермер хўжаликларининг натижалари эътироф этилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жиззах, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Сирдарё вилоятларида ўртача ҳосилдорликнинг 60 центнердан юқори бўлиши, Қорақалпоғистонда эса ўта оғир экологик шароитга қарамай, ҳосилдорликнинг ўтган йиллардагига нисбатан 10-15 центнер оширилиб, 400 минг тоннадан ортиқ хирмон бунёд этилгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Бу натижалар пахтачиликда ягона ёндашув билан бирга ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Қорақалпоғистондаги шўрланган ва сув таъминоти мураккаб майдонлар, Бухоро ва Навоийнинг қуруқ иқлими, Сирдарё ва Жиззахнинг суғориладиган ерлари ёки Хоразмнинг тупроқ шароити — буларнинг ҳар бири алоҳида агротехнологик ёндашувни талаб қилади.

Шунинг учун биз ҳудудлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш, юқори ҳосилдорликка эришган фермерлар билан бошқа хўжаликлар ўртасида тажриба алмашишни янада кучайтиришимиз зарур.

Механизация — инсон меҳнатини енгиллаштириш ва самарадорликни ошириш омили



Жорий йилги натижаларда замонавий пахта териш машиналарининг ўрни алоҳида. Етиштирилган ҳосилнинг 85 фоизи 3000 дан ортиқ пахта териш машинаси ёрдамида 30-35 кунда йиғиб олингани механизациялаштириш борасидаги ишлар самарасини кўрсатади. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида теримни механизациялаштириш даражасининг 100 фоизга етгани ҳам муҳим натижадир.

Механизация фақат терим жараёнини тезлаштириш ёки қўл меҳнатини камайтириш эмас. Бу, аввало, инсон меҳнатини енгиллаштириш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш, пахта сифатини сақлаш ва ишлаб чиқариш харажатини оптималлаштириш демакдир.

Бугун пахтачиликда замонавий техникадан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, механизаторлар малакасини ошириш, техника паркини янгилаш ва далаларни машина теримига мослаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Бу борадаги ислоҳотлар мажбурий меҳнатга барҳам берилганидан кейин янада муҳим аҳамият касб этди. Энди ҳосилни йиғиб олишда асосий таянчимиз — замонавий техника, малакали мутахассис ва самарали ташкил этилган иш жараёни.

Рақамлаштириш ва янги технологиялар харажатни камайтирмоқда

Президентимиз табригида Пахтачилик кенгаши фаолияти, олимларнинг ноанъанавий технологияларни қўллаши, рақамлаштириш ва дронлардан фойдаланиш орқали сарф-харажат икки баробар камайтирилгани алоҳида қайд этилди. Бу натижа рақамли технологияларнинг пахтачиликдаги амалий аҳамиятини кўрсатади.

Агродронлар ёрдамида майдонларни кузатиш, ўсимликларнинг ҳолатини баҳолаш, ишлов бериш жараёнларини аниқ ташкил этиш ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш имконияти кенгаймоқда. Рақамли маълумотлар эса фермерга қарорларни тахмин асосида эмас, балки аниқ кўрсаткичларга таяниб қабул қилиш имконини беради.

Келгусида бу жараённи сунъий интеллект билан уйғунлаштириш, дала ҳолатини масофадан мониторинг қилиш, сув ва озуқа элементларига эҳтиёжни аниқлаш каби йўналишларни ривожлантириш муҳим.

Молиявий механизмлар ва фермер манфаатдорлиги

Пахтачиликдаги тарихий натижаларни таъминлаган омиллардан яна бири тармоқда молиявий ва иқтисодий механизмларнинг такомиллаштирилганидир. Давлат ажратаётган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, тўлов интизомини яхшилаш, субсидиялаш тизимини такомиллаштириш ва суғурта механизмларини йўлга қўйиш фермерлар учун муҳим имкониятлар яратди.

Президентимиз табригида жорий йилда фермерлар пахта етиштиришдан 13-14 триллион сўм соф фойда олиши кутилаётгани қайд этилди. Бу кўрсаткич ислоҳотларнинг иқтисодий мазмунини очиб беради. Чунки аграр соҳадаги ҳар қандай ўзгаришнинг якуний натижаси фермернинг даромади, хўжалигини ривожлантириш имконияти ва қишлоқ аҳолисининг фаровонлигида намоён бўлиши керак.

Биз учун фермер фақат маҳсулот етиштирувчи эмас, балки аграр тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Унинг меҳнатдан манфаатдорлиги, эртанги кунга ишончи ва ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш имконияти қанчалик юқори бўлса, тармоқнинг барқарорлиги ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Халқаро эътироф ва келгуси марралар

Президентимиз табригида қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган 3,5 миллиондан зиёд инсонга таяниш, улар учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш давлат аграр сиёсатининг муҳим йўналиши экани алоҳида эътироф этилди.

Яқинда Тошкентда Жаҳон пахта кунига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда 30 дан ортиқ мамлакатдан келган олим ва мутахассислар Ўзбекистонда Жаҳон пахтачилик марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сургани ҳам мамлакатимиздаги ўзгаришларга халқаро қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатади.

Ушбу таклифни фақат эътироф сифатида эмас, балки халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтириш, пахта селекцияси ва агротехнологиялар соҳасида янги тадқиқотларни йўлга қўйиш, минтақавий билим ва тажриба алмашинувини кучайтириш учун имконият сифатида ҳам баҳолашимиз керак.

Келгуси йил учун белгиланган вазифалар ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Серҳосил уруғлик навларидан фойдаланиш, агродронлар орқали ишлов бериш, сув ва энергия тежовчи технологияларни кенгайтириш, сунъий интеллект имкониятларини жорий этиш орқали пахтанинг ўртача ҳосилдорлигини гектарига 65-70 центнерга етказиш мақсад қилинган.


Мазкур маррага эришиш учун фермерлар, кластерлар, олимлар, муҳандислар ва мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур.

Ишончим комилки, бу йилги 5 миллион тоннадан ортиқ хирмон пахтачиликдаги якуний марра эмас. Аксинча, у илм-фанга таянган, замонавий технологиялар билан қуролланган, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланадиган, фермер манфаатдорлигига асосланган янги тараққиёт босқичининг бошланишидир.

Ушбу тарихий натижага ҳисса қўшган барча деҳқон ва фермерларимиз, кластер ходимлари, олимлар, агрономлар, сувчилар, механизаторлар ва соҳа мутахассисларини яна бир бор самимий табриклайман.

Пахтачиликдаги бу ғалаба — илм-фан, меҳнат ва ҳамжиҳатлик ғалабаси. Олдимиздаги янги марраларга ҳам ана шу бирдамлик ва ишонч билан етиб борамиз.

Буюк ўзбек йўли



ЎЗ ИШИМИЗ — ЎЗ ҒАЛАБАМИЗ!

Ёхуд пахтачилик соҳасида ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ қандай яратилгани ҳақида ижтимоий-сиёсий эссе



Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Эрта куздан қаро қишгача одамларга тўй қилишга рухсат берилмасди. Ими-жимида, ҳовлининг бир четига қозон осиб, тўртта одамни йиғиб кўришсинчи, ғўддайган амалдорлар бурнининг бир четига ўчоқ иси етиб борса тамом, уйингизга келиб, қозон-позонингизни ағдариб ташларди. Шу билан қутилсангиз майлику-я, кейин устингиздан жиноий иш қўзғатилмаса бўлди эди.

Ҳар куни колхоз идорасида селектор бўларди. Масала битта — қайси колхоз ёки совхоз пахта режасини қанча фоизга бажарди? Кунлик режа бажарилдими?

Телевизорда вилоятлар кесимида кунлик ҳисобот бериб бориларди. Ортда қолаётган вилоятлар раҳбарлари тонггача сўкиш эшитиб, додини кимга айтишини билмай, аламини оддий одамлардан, ўқитувчилар, норасида болалардан оларди.

Ҳар сафар “Темир хотин” киносини кўрганимизда юрагимиз эзилиб кетади. 40-50 килолаб пахта ортмоқлаган аёллар, эгатларда чирқираб йиғлаган гўдаклар, пайкал четида туғилган чақалоқлар, тут дарахти шохига осилган беланчаклар, улар устидан сепилган кимёвий дорилар... Буларнинг атом хуружидан нима фарқи бор эди?!

Яқин-яқингача шундай яшадик-ку. Очиғини айтиш керак, ҳали-ҳалигача ўша кимёвий дорилар миллатимиз генофондига ўз таъсирини ўтказиб келади. Пахта даласида умри хазон бўлган қишлоқ аёлларининг ҳали-ҳамон дарди оғир. Улар бедаво дард орттириб олган, ўша эгатларда катта бўлган фарзандларимиз ҳамон соғлом эмас.

Хуллас, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, **у кунлардаги пахтачилик эл-юртимизга манфаат эмас, балки азоб-уқубат ва охир-оқибатда “ўзбек иши” деган қуруқ туҳмат олиб келди.**

Ҳасратларимни шу ерда тўхтатсамми десам, “ўзбек иши”дан бир тирик ҳикоя ёдимга тушиб қолди.

Пайариқда совхоз пахта топширувчиси бўлиб ишлаган Абдурасул Шодиевни 1985 йилда пахта қўшиб ёзишда айблаб, 10 йилга ноҳақ қамаб юборишади.

Абдурасул аканинг ўғли Музаффар Шодиев биз билан деярли тенгдош эди. У ўша суронли давр, отасиз ўтган йиллар қайғусини шундай эслайди:

“Бутун болалик хотираларим пахта билан боғлиқ. Бўйим гўзага етар-етмай, аввалига тенгқурларим билан пахта даласига сув, нон, овқат ташидик, илгор “чеканка”чи бўлдик. Кетмон билан бўйлашганимиздан бошлаб чопиқ ва терим ҳам болалигимизнинг бир қисмига айланди.

Дўстларим баъзан ўша пайтлардаги қизиқ ҳолатлар, воқеаларни эслаб туради. Менда эса бу билан боғлиқ аламли хотира, унутилмас изтироб бор. Чунки пахтадан жуда эрта кўнглим қолган.

Ўшанда, адашмасам 5-синфда ўқирдим. Ҳамма ёқда “Давлатга пахта топшириш режасини муддатидан олдин бажарамиз!”, “План — қонун, уни бажариш — бурч!” каби ёзувлар бўларди. Энди ўйласам, ўша пайтларда бола қалбим билан ҳар бир инсон умрининг мазмунини яхши пахтакор, деҳқон ёки механизатор бўлишда деб билганман. Аслида, аксариятимиз шундай ўйлардик ва шунга интилардик.

1985 йил, декабрь. Бола-ўқувчимиз. Аслида, муаллиму ўқувчилар эндигина пахта даласидан синф партасига қайтган кезлар. Уйга борсам, мотамсаро муҳит. Бунинг сабабини юрак ютиб сўрайдиган журъат, ҳолатни идрок этадиган ақл қайда дейсиз? Ахир 12 ёш бола эдим.

Кейинроқ билдим: отамни пахта қўшиб ёзишда айблаб, қамоққа олишибди. Уч ака-опам, олти ука-синглим — ўн жўжабирдай жон онам билан хасратга алам, машаққатда қолдик. Айниқса, онам шўрликка қийин бўлган: қўлида бир ёшли чақалоқ, бу ёқда онанинг қўлига қараган ўнта жон. Буларга-ку чидаса бўлар, оддий пахта топширувчиси — отамнинг ўзи борини берган пахта учун ўн йилга қамалгани барчамизга алам қиларди.

Шукрки, мустақиллик шарофати билан отам оқланди, айбсизлиги тан олинди, биз учун адолат қарор топди. Лекин отам бунга тўлиқ қўшилмасди. Чунки пахта яккаҳокимлиги ва унга оммавий сафарбарликни жуда нотўғри иш деб ҳисобларди, ҳеч нарса инсондан азиз эмас, дерди.

Бу гапларнинг магзини энди тушунямпан. Раҳматли отам айтган адолатни — мажбурий меҳнатсиз, оммавий сафарбарликсиз, мажлисбозлигу дабдабали даъватларсиз ҳам пахтадан рекорд — 5 миллион тонна хирмон кўтариш мумкинлигини, шукрки, бизлар кўрдик. Ҳозир фарзандларимизнинг таълим олиш, ривожланган давлатлардаги тенгдошларидан ўзишдан бошқа ўйи, ташвиши йўқ.

Отам раҳматли истиқлолни кўрди, номи оқланиб, юзи ёруғ бўлди. Шукрона учун, таскин учун отам каби тақдир эгаларига бундан ортиқ бахт йўқ назаримда. Лекин юрагимнинг туб-тубида, хаёлимнинг бир четида катта армон бор: қанийди отам инсон азиз бўлган, қадрини улуғлаш давлат сиёсатининг мақсаду муддаосига айланган бугунги замонни, Президенти халқининг фаровонлиги учун оромини унутган Янги Ўзбекистонни бир кўрса эди...”.

Афсуски, биз бундай тақдирларни “ўзбек иши”да кўплаб учратамиз. Аммо, энг аянчлиси, биз мустақилликдан кейин ҳам яна узоқ йиллар пахтага қарам бўлиб, мажбурий меҳнат қуршовида яшадик.

Сўз айтишга, халқнинг дардини баён қилишга устаси барибир устада. Ҳозир дардимизни узоқ дастурхон қилдик. Қарангки, унутилмас ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов бу гапларимизнинг ҳаммасини умрининг сўнгги кунларида битта шеърига сиғдириб кетган экан.

Ҳар кўчада минг миршаб,
Ҳар гўшада авахта,
Ҳақ деганнинг оғзи берк,
Қон ютар лахта-лахта.
Ўзи-ку пахта эккан,
Ёстиғи бўлди тахта,
Ёвузларнинг қўлида
Гулдай ватаним қолди,
Бошида паноҳи йўқ
Тулдай ватаним қолди.

(05.10.2015 йил. АҚШ, Хьюстон)

2017 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ТОНГИ. ҚУВОНЧНИНГ КЕЛИШИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилаётганини айтган эди.

Толеимиз кулган экан, **ЎЗ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ**нинг қатъий сиёсий иродаси билан бир кунда мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Битта айтилди ва ортга қайтилмади. Шу-шу ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам, бошқа соҳа ходимлари ҳам пахта ишига мажбурий олиб кетишдан қутулди.

Орадан кўп йил ўтмади. Биз пахта терими мавсуми машаққатлари, ғурбатларини унутиб юборган эканмиз. Шу йил сентябрь ойида бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билан Самарқандга хизмат сафарига бордик. Янгийўл, Чинозлардан ўтар эканмиз йўл четидаги далаларда машиналар пахта тераётганини кўриб, беихтиёр ҳаммамиз бирваракайига “Э, пахта териш бошландими”, деб юбордик.

Қарангга. Халқимизни 100 йиллар давомида азобу уқубатда ушлаб келган пахта териш мавсуми бошланибдию, бирор жойда бу ҳақда гап йўқ. Телевидение жим, матбуот гапирмайди, мактаб ишлаяпти, ўқитувчилар дарсда, ўқувчилар синфда... Ҳеч ким ҳеч кимни безовта қилгани йўқ. “Ҳа, бўлар экан-ку” деймиз шериклар бир-биримизга мамнун қараб.

Унда пахтани ким теряпти, унда пахта кимга керак? Энди пахтанинг ўз эгаси бор. Пахта ўз эгаларига — манфаатдорлар ихтиёрига топширилди. Яъни қандай? Аввало, деҳқон ва фермерлар, кластерлар, умуман, далада ишлаётган ҳар бир инсоннинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги таъминланди. Фермерлар пахта етиштиради, уни бозор қийматида кластерга сотади, ўз навбатида, кластер эгалари хомашёни тайёр маҳсулот кўринишига олиб келиб, истаса ички бозорга, истаса чет элга пуллайди. Мана шу манфаатдорлик занжири бугунги ютуқларимиз асосидир. Бунда фақат пахта эгасининг фойдаси эмас, бутун эл, шу ватаннинг манфаати жамланган!

БУГУН ЕТИБ КЕЛГАН МАНЗИЛДА ЭРТАГА ТЎХТАБ ҚОЛМАЙМИЗ



Яна такрор бўлса-да, айтаман, яқин йилларгача сентябрь ойи келиши билан пахта мавсуми бошланарди. Биз учун ҳаёт мазмуни ҳам, тириклик рамзи ҳам пахта эди. Ҳар куни мактаб директорлари фермердан ҳам аввал туман ҳокимлигига бориб турарди. Ҳозир бирорта туман ҳокими ёки ундан юқоридаги раҳбарлар “пахта нима бўлди экан” деб бош қотирмайди. Шулар ҳақида ўйлаяпману, Президентимизнинг куз ойларидаги иш фаолияти кўз олдимдан ўтяпти. Биргина октябрь ойининг ўзида Туркманистон, Озарбайжон ва Туркиядаги нуфузли тадбирларда иштирок этди. Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига ташриф буюрди, Тошкентнинг ўзида қанча тадбирлар ўтказди. Кечадан буён Остона шаҳрида бўлиб турибди.

Умуман, Президентимиз фаолиятида, қишлоқ хўжалигига доир ўтказган йиғилишларида бирон марта пахта нима бўлди деган савол ўртага ташлангани йўқ. Миллий матбуотимиз ватанимизнинг халқаро даражадаги ютуқлари, мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар ҳақида гапирмоқда. Бугун шунча тонна пахта терилди деган ҳисоботлар эса ёдимиздан ҳам чиқиб кетди. Шу ўринда кечаги кунимиздан ҳикоя қиладиган бир воқеа ёдга тушди.

Бир неча йил аввал муҳим фактни ахтариб, Ўзбекистон Миллий кутубхонасидаги тарихий газеталарнинг 1960-1980 йилларда чоп этилган сонларини бирма-бир варақладим. Ана шу йигирма йиллик солномадаги бир манзара диққатимни тортди. Унда сентябрь ойининг бошида мактабларда ўқиш бошлангани ҳақида хабар чиққан. Ундан кейинги кунларда эса биринчи саҳифада пахта даласидан фотолавҳа ва унга доир мақолалар ўрин олган. Эътиборлиси, газетанинг ҳар бир сонида пахта мавсуми, “оқ олтин”ни чаноғида қолдирмай, қишгача йиғиб-териб олишга даъват қилинган. Ачинарлиси, бундай чиқишлар 30 декабргача давом этган!

Бу мақолаларни ўқисангиз, халқимиз қанчалик машаққатли йўлни босиб ўтганини теран англайсиз. Ўшанда асосий мақсадим қолиб пахтага доир мавзуларга қизиқиб кетганим ҳамон эсимда. Газетада 1970 йилларда чоп этилган кичкина мактуб эса ҳамон юрагимни қўрғошиндай босиб туради. Унда олис бир вилоятдаги 7- ёки 8-синф ўқувчиси мактабдошлари ҳақида сўз юритади. У аввал ўзи марказга садоқатини изҳор этиб, жавлон уриб пахта терағётганини айтади. Фаол теримчиларни номма-ном санайди ва фалончи ёмон теримчи эканини айтади. Мактубда ёзилишича, ўша фалончи пахтани чаноғида қолдириб терар экан. Камига шийпонга олиб боргунча тўкиб, сочиб кетармиш. Ҳа, қўрқув асосида ушлаб турилган жамиятда мана шундай иллатлар ҳам бемалол матбуот орқали намоён этилаверган экан!

Айнан ўша йилларда пахта сабаб халқимиз иқтисодий-ижтимоий, экологик жиҳатлардан катта йўқотишлар берди. Масалан, Орол сувининг катта қисми пахта далаларига бошқарилди. Юқорида ҳам эслаганимиздек, ҳосилдорликни ошириш, уни вақтида йиғиб-териб олиш важи билан халқ тепасидан заҳарли дори сепилди. Сув, тупроқ орқали бутун табиат зарарланди. Юқумли касалликлар, ўпка, юрак-қон томир хасталиклари авж олди. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонларнинг умри ана шу пахта даласида беҳуда совурилди. Ҳатто болалар чилласи чиқиши билан пахта даласи бошида қурилган шийпонлардаги боғчаларга бериларди. Улар юра бошлаши билан эгат оралаб кетарди...

Янги Ўзбекистон тарихида илк бор 5 миллион тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этилди. Бу жуда катта марра. У шунчаки, иқтисодий кўрсаткич эмас, тарихий эврилишдир!

Бир вақтлар табиий ресурсларимизнинг катта қисмини пахтага сарфлаб ҳам зарар кўрдик. Энди кўрсаткичлар бутунлай бошқа. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, олис Қорақалпоғистонда ҳам, водий ва воҳаларимизда ҳам хирмон чўғи баланд бўлди.

Бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Келинг, шу ўринда сал илмийроқ тил билан бўлса-да, бугунги ютуғимизнинг асосларини бир қадар шарҳлашга уринамиз.

Биринчидан, пахтачиликда иқтисодий манфаатдорлик янги босқичга кўтарилди. Айнан шу жиҳат соҳадаги ислоҳотларнинг локомотиви дейиш мумкин. Негаки моддий манфаатдорлик яхши бўлган жойда самарадорлик яхшиланади. Ишлар ўз-ўзидан юриб кетаверади. Бунинг учун махсус штаб ташкил этиш, халқни, айниқса, болаларни мажбурий меҳнатга жалб этиш шарт эмас!

Мана факт: жорий йилда фермерларнинг пахтадан 13-14 триллион сўм соф фойда олиши кутиляпти. Фермер шунча фойда кўргандан сўнг ҳеч иккиланмай дори сепишга дрон, пахта теришга машина сотиб олади-да. Бундай натижага эришиш учун эса тинимсиз меҳнат билан бирга сиёсий ирода ҳам керак бўлди. Шу боис, соҳада туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказилди. Хусусан, пахтани экишдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи ўз ичига олган хусусий кластерлар тизими яратилди.

“Қашқадарё” эркин иқтисодий зонасидаги “Sulton Tex Group” тўқимачилик кластери мисолида ана шу ислоҳотлар натижасини кўриш мумкин. Мазкур кластерни том маънода янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг кичик намунаси деб ўйлайман. Чунки кластерда пахта экишдан токи уни тайёр маҳсулот қилиб сотишгача бўлган жараён қамраб олинган. Кластердаги ишлар тўлиқ илмий асосда, замонавий ечимлар орқали ташкил этилган. Дейлик, бу ерда ишлаб чиқаришда фойдаланилган сувнинг 95 фоиздан кўпи тозаланиб, қайтадан ишлаб чиқаришга юборилади. Фабрика биносининг томи ва деворларига эса қуёш панели ўрнатилган. Улар экологик тоза қувват олишни таъминлайди. Фабрикага эса энг сўнгги технология асосида ишлайдиган дастгоҳлар турли ривожланган давлатлардан олиб келинган. Натижада йилига 20 минг тонна мато ишлаб чиқариб, бўяш имконини берадиган линиялар ишлаяпти. Фабрикада 840 киши ишли бўлган.

Бу биргина мисол. Мамлакатимизда бунга ўхшаш пахтани қайта ишлашни йўлга қўйган тадбиркорлар талайгина. Ана шундай иқтисодий модель туфайли мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш қуввати кескин ошиб боряпти. Ўзбекистон пахта хомашёсини экспорт қилувчи давлатдан юқори қўшимча қийматга эга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қиладиган мамлакатга айланди.

Шу ўринда яна бир ҳаётий воқеа ёдга тушди. Футбол бўйича 2026 йилги Жаҳон чемпионати АҚШда бўлиб ўтди. Уни томоша қилишга борган юртдошларимиздан бири океан ортидаги номдор бренддаги либослар сотиладиган дўконга киради. Ўзига ёққан кийимни танлайди. Сифати ва бичими жуда маъқул келгани учун нархи қиммат бўлса ҳам уни сотиб олмоқчи бўлади. Тўлов қилиш учун келаётганида қараса, у Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган экан. Шу тариқа АҚШдаги дўкондан қуруқ қўл билан чиқиб, худди шундай либосни Тошкентдан харид қилади. **Ўз юртим, Ўз пахтам, Ўз ишлаб чиқарувчим** дегани бу! Бир сўм бўлса ҳам шу ватанда сарфлаб, шу элга наф келтириш дегани бу, ёронлар!

Яна бир муҳим жиҳат. Пахтачиликда молиялаштириш ва субсидиялаш тизими янгиланди. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги қарори билан бир қанча муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Масалан, пахта хомашёсини етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилинди. Унинг харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилди. Яъни фермер ўз пахтасига ўзи эгалик қиладиган бўлди. Ўзи белгилаган нархда пахтасини сотади. Ана шу манфаатдорлиги боис, пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олади. Содда қилиб айтганда, пахта терим вақти ва уни якунлашни ўзи белгилайди.

Шу ўринда яқин ўтмишимиздан навбатдаги бир лавҳани келтирсам. Бир сафар вилоятдаги таниш фермерлардан бири ёрдам сўради. Ҳоким унинг ерини тортиб олмоқчи экан. Сабабини сўраб йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмай қолдим. Фермер пахтасини тўлиқ териб олади. Белгиланган режани 110 фоизга бажаради. Сўнг далада қип-қизил бўлиб гўзапоя қолади. Тағин кўздан пана жой деган илинжда гўзапояни йиғиштириб, ўрнига ғалла экишга киришади. Шу пайт ҳокимият бу ишдан хабар топиб, фермерга таҳдид қилади. Бир кеча ички ишларнинг зах хонасини кўриб келгач, ишни “ёпиш” учун таниш излашга тушади. Бу нари борса 15-20 йил аввалги гап. Ҳозир бировга айтсангиз ишонмайди. Лекин ўша пайтда фермер қайси даласига қандай навдаги пахта экишигача қатъий белгилаб бериларди. Ачинарлиси, бундай топшириқлар илмий асосга эмас, қандайдир ёпиқ топшириқларга асосан бажариларди.

Иккинчидан, соҳага замонавий технологиялар жадал кириб келди. Шу орқали пахтачиликда юқори натижаларга эришдик. Аввало, пахтачиликда илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш бошланди. Янги биотехнологик навлар яратилди, олиб келинди. Экиш схемалари такомиллашди. Соҳа рақамлашди. Масалан, жорий йил бошида биргина Сурхондарё вилоятида “Шинжон” усулида пахта етиштирадиган 155 та фермер 14 минг 950 гектарда томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатган. Бу соҳани рақамлаштириш борасидаги муҳим факт. Чунки томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатилган далаларда тупроқнинг намлигини ўлчайдиган махсус смарт-датчиклар бор. Улар тупроқ қуригани ҳақида марказий компьютер ёки фермернинг телефонига хабар юборади. Сув автоматик тарзда очилади. Бу сув сарфини икки баробаргача камайтиради. Мана рақамлаштиришнинг самараси қаерда!

“E-Agro” ва рақамли хариталар тизими ҳам бу борадаги самарали ишлардан бири. Унга кўра, ҳар бир пахта майдонининг рақамли паспорти яратилган. Унда ернинг таркиби, олдинги йилларда қанча ҳосил берилгани, минерал ўғитлар баланси рақамли базада сақланади. Бундан ташқари, пахта олди-сотдиси, шартномалар тузиш ва субсидиялар ажратиш жараёнлари тўлиқ электронлаштирилди. Инсон омили камайтирилиб, шаффоф электрон ҳисобварақ-фактура тизими йўлга қўйилди.

Ўргилиб кетай, ҳатто пахтачиликда дронлардан фойдаланиш кенгайди. Дрон ёрдамида минерал ўғит ва микроэлементлар сепиляпти. Унинг фойдаси шундаки, трактордай ғўза тупларини босиб, нобуд қилмайди. Кўсак қурти, шира ёки қандала тушган ҳудудлар дронлар ёрдамида тепадан аниқланади. Кимёвий воситалар фақат касалланган ўчоқларнинг ўзигагина сепилади. Бу заҳарли химикатлар ва харажатларни 30-40 фоизгача тежайди.

Учинчидан, кейинги йилларда чигит экиладиган майдонлар 38 фоизга қисқартирилди. Шунга мутаносиб равишда ўртача ҳосилдорлик 2,7 карра ўсиб, гектарига 21 центнердан 56 центнерга етди. Жорий йилда қарийб 400 минг гектарда ўртача 70 центнер, салкам 70 минг гектарда эса 100-110 центнергача ҳосил олинди. Сув тежовчи технологиялар ҳисобига сув сарфи 1990 йилларга нисбатан икки карра камайди. Яна бир муҳим жиҳат. Пахта йиғим-теримида механизациялаштириш кўлами кенгайди. Жорий йилда ҳосилнинг 85 фоизи 3 мингдан ортиқ пахта териш машиналари ёрдамида 30-35 кунда йиғиб олинди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида механизациялаштириш даражаси 100 фоизга етказилди. Пахтани машинада териш халқимизнинг орзуси эди. Буни атоқли ёзувчимиз Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асарида ҳам кўришимиз мумкин.

“Мен қайтиб келаман.

Етти иқлимдан бўлса-да, қайтиб келаман.

Ана шунда пахтамни чўткали-чўткали машина билан йиғиб-териб оламан.

Машина билан бир оралабоқ териб оламан. Бошқа қайтиб дала ораламайман”, дейилади армон ва оғриқларга тўла асарда.

Афсуски, 1986 йилдан токи 1991 йилгача бўлган вақтда битилган ушбу асар ҳам узоқ йиллар “кўздан панада” тутилди. Сабаби биз ҳамон пахтани қўлда тераётган эдик.

Ўша йилларда Сирдарё десак, кўз олдимизга беихтиёр пахта даласи келарди. Негаки талаба, ўқитувчи ва давлат хизматчиларининг аксарияти пахта мавсумини Сирдарё далаларида ўтказарди. Бугун халқ дардини юрагидан ўтказиб ёзган ижодкорларимиз орзуси ушалиб, Сирдарёда пахта 100 фоиз машинада териб олинди.

Мамлакат тараққиётидаги асосий белгилардан бири турли соҳалардаги эҳтиёжларини ўзи қоплай олишида ҳам кўринади. Шу маънода, янги Ўзбекистондаги ўсиш суръатини юртимизда саноатнинг ривожланиши билан белгиласак ҳам бўлади.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифини кузатиб туриб кўнглимдан шундай ўйлар ўтди. Айниқса, Қарши шаҳридаги “FM World” корхонасининг “Nasaf” бренди остида беш хил русумдаги трактор йиғаётгани ҳақидаги хабардан чексиз қувонч туйдим. Ўзингиз ўйланг, бир пайтлар замонавий пахта териш машиналари ишлаб чиқариш ниятида олис Чин юртидан Қашқадарёга сармоядор келишига биров ишонармиди?!

Президентимиз Ўзбекистон деҳқон ва фермерлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида **“Ўз” деган эзгу ғоямиз замирида мужассам бўлган ўз ишимиз, ўз сўзимиз, ўз ғалабамизга ишонч руҳи билан олға қараб боришдан ҳеч қачон тўхтамаймиз!”,** дея таъкидлади.

Ҳа, янги Ўзбекистон баланд марраларни кўзлаб катта йўлга чиққан карвон. У бугун етиб келган манзилда эртага тўхтаб қолмайди. Доим олға интилади. Пахтачиликда ҳам юқори ҳосилдорлик ва технологик янгиланишлар изчил давом эттирилади. Хусусан, 2027 йилда серҳосил уруғлик навлари, агродронлар, сув ва энергия тежовчи технологиялар ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали пахтадан ўртача ҳосилдорликни 65-70 центнерга етказиш кўзда тутилмоқда.

Ёдимда, ўтган йили “Янги Ўзбекистон” газетамизда вилоятлардаги пахта ҳосили ва натижалар ҳақида мақолалар берилди. Улар орасида пахтадан гектарига 70 центнердан ҳосил олингани ҳақида ҳам хабар бор эди. Ишонгим келмади. Олдимизга қўйилган муҳим вазифа — доим холис ва ҳаққоний маълумот тарқатиш. Шу боис, ушбу рақамни жиддий текширдик. Бу айни ҳақиқат эди. Ўшанда кутубхонада тарихга қайтган, эски газеталар тахлами аро битилган тақдирлар яна бир карра кўз ўнгимга келганди. Шу ҳақида ўйласам, мени ҳамон бир савол қийнайди, мактабдоши ёмонлаган фалончининг тақдири нима бўлди экан? Ҳозир у (ёши ҳам етмишни қоралаб қолгандир) янги Ўзбекистон эришган тарихий марра ҳақида эшитиб, кўнглидан қандай ўйлар кечяпти? Газетага мактуб ёзган ўша фаол теримчи ўқувчининг қалбида нима гаплар ўтмоқда?

Кимдир бу кечаги кун, шундай экан, бундай оғир саволлар не учун дейиши ҳам мумкин. Ўтмишни унутишга ҳаққимиз йўқ. Чунки тарих инсониятнинг энг катта муаллимидир!

У хатолардан тўғри сабоқ олиб, бугунга шукрона билан яшашни ўргатади. Шу боис, пахтада эришилган ютуқни фақат иқтисодий кўрсаткич билан белгилаб бўлмайди. Айни қараш эса **янги Ўзбекистон мўъжизаси** деб аталаётган тарихий ютуқнинг моҳиятини англашга ундайди. Бундай англамлар ҳаммамизга кўп-кўп насиб этаверсин.

Маълумотларга кўра, йил бошидан буён 1 миллион 116 минг фуқаро хориждан қайтган. Йил якунига қадар уларнинг 250 минг нафарига муносиб иш топишга кўмаклашиш вазифаси қўйилди.

2026 йил 6 ноябрь, 230-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



ХОРИЖДАГИ ФУҚАРОЛАРИМИЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН

уларнинг қонунларда белгиланган кафолатлардан фойдалана олишидир



Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Бугун дунёда 168 миллион киши хорижий миграцияда. Мамлакатимизда ҳам чет элда ишлаш истагидаги фуқаролар бор, бошқа давлатларда эса ишчи кучига эҳтиёж юқори. Ушбу икки имкониятни ўзаро боғлаш соҳа мутасаддилари ва ҳудудлар раҳбарлари олдида турган асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Бундан бир неча йиллар олдин ҳам мигрантларга иккинчи даражали одамлар, ҳатто “ишёқмас”, “дангаса” деб қараш урфга кирганди. Уларга иш топишда кўмаклашиш, хорижда муносиб меҳнат шароити яратиш, кафолатланган ҳуқуқларини ва оиласини ҳимоя қилиш ҳақида ўйлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

Сўнгги йилларда тартибли меҳнат миграциясига муносабат тубдан ўзгарди. Меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилди, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Бу фуқароларимизнинг чет элда ишлаши учун шароитлар яратиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кафолатли меҳнат бозори билан таъминлаш, юртимизга қайтиб келгандан кейинги тақдирига бефарқ бўлмаслик каби саъй-ҳаракатларда намоён бўлади.

Энг муҳими, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими доирасида меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш, касб-ҳунарга ва чет тилларга ўқитиш орқали фуқароларнинг хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишига кўмаклашиш, ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатиш, хориждан қайтган фуқаролар бандлигини таъминлаш борасида самарали ишлар қилинди.

Сўнгги йилларда хорижда ишлаётган юртдошларимиз ва оиласини қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзлар кўлами кенгайди, қонуний миграцияни таъминлаш, хориждаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Илгари бу йўналишда 3 та давлат билан ишланган бўлса, ҳозир уларнинг сони 27 тага етди. Ҳамкорлик қилаётган йирик хорижлик иш берувчилар қарийб 400 тага кўпайди. Чет элда ишлаётган юртдошларимиз сони ўн йилда икки баравар камайган бўлса-да, уларнинг оилаларига юбораётган маблағи тўрт карра ошди.

Асосийси, мазкур масала давлатимизнинг доимий диққат эътиборида. Жумладан, жорий йилнинг 2 ноябрь куни меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳам бу борада вазифалар белгиланиб, қатор рағбат ва имтиёзлар эълон қилинди.

“Чет элда ишлаётган ҳар бир юртдошимиз — оиласининг ризқи, фарзандлари келажаги учун тинимсиз меҳнат қилаётган ҳақиқий мард инсонлар. Улар ҳам бизнинг фуқароларимиз, бизнинг фарзандларимиз!” деди йиғилишда Президентимиз. Бу эса янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” эзгу ғоясининг амалдаги ифодасидир.

Инсон хорижга ишлашга кетганда унинг ҳуқуқлари мамлакат чегарасида қолиб кетмаслиги керак. У қаерда меҳнат қилмасин, хавфсиз шароитда ишлаши, меҳнатига яраша ҳақ олиши, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳамда қийин вазиятда ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Меҳнат миграцияси ҳақида сўз юритилганда одатда хорижда ишлаётган фуқаролар сони, улар юбораётган пул маблағлари ва иш ўринлари ҳақидаги рақамларга эътибор қаратилади. Албатта, улар муҳим кўрсаткичлар бўлса-да, инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан яна бир мезон бор: хорижда меҳнат қилаётган фуқаро ўзини қанчалик хавфсиз ва ҳимояланган ҳис қилмоқда?

Давлатимиз раҳбари томонидан оиласи фаровонлиги ва фарзандлари келажаги учун Ватанидан олисда меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг фидойилиги эътироф этилиб, улар қаерда бўлмасин, давлатнинг қўллаб-қувватловини ҳис қилиши зарурлиги таъкидлангани инсонпарварлик сиёсати моҳиятини яна бир бор яққол намоён этди.

Йиғилишда меҳнат миграциясини фақат хорижда иш топиш имконияти эмас, балки фуқарони касбга тайёрлаш, қонуний ишга жойлаштириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий кафолатларини таъминлаш ва Ватанга қайтгач, муносиб меҳнат фаолиятини давом эттиришига кўмаклашишни қамраб оладиган яхлит тизим сифатида ривожлантириш вазифалари белгиланди.



Миграцияга тайёргарлик — ҳуқуқий ҳимоянинг биринчи босқичи

Йиғилишда фуқароларни хорижий тиллар ва касбларга мақсадли ўқитиш, аниқ иш ўринларига тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки касбий малака ва тил билиш инсонга нафақат юқори даромад топиш, балки ўз ҳуқуқларини англаш, иш берувчи билан муносабатларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконини ҳам беради.

Шу маънода, ҳудудларда миграция марказларини ташкил этиш, техникумларда хорижий иш берувчилар талабига мувофиқ кадрлар тайёрлаш, тил ўргатиш ва малака сертификатларини олиш имкониятларини кенгайтиришга оид вазифалар муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ касбий тайёргарлик ҳуқуқий хабардорлик билан бирга кечиши зарур. Хорижга йўл олаётган ҳар бир фуқаро меҳнат шартномасининг мазмуни, иш вақти, иш ҳақи, тиббий суғурта, яшаш шароитлари, шунингдек, ҳуқуқлари бузилганда мурожаат қилиши мумкин бўлган ваколатли ташкилотлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши керак.

Бу ёндашувнинг ҳуқуқий асоси Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, унда Ўзбекистон ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатиш кафолатланган, ҳар ким муносиб меҳнат қилиши, хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаши ва адолатли ҳақ олиши ҳуқуқи белгиланган.

Демак, хориждаги фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нафақат ижтимоий масъулият, балки конституциявий аҳамиятга эга вазифадир.

Чунки ўз ҳуқуқларини билган инсон меҳнат муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган суиистеъмолчиликларга нисбатан ҳимояланган бўлади.

Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари масъулияти ҳам инсон манфаатлари билан ўлчаниши керак. Шунинг учун хусусий бандлик агентликлари фаолиятини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш билан бирга уларнинг очиқ рейтингини юритиш ва бунда фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси ҳамда ижтимоий кафолатларни асосий мезонлардан бири сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Омбудсман сифатида бу жиҳатни алоҳида аҳамиятли деб ҳисоблайман. Сабаби, фуқарони хорижга ишга юбориш билан агентликнинг масъулияти тугамаслиги лозим. Ишга жойлаштиришда берилган ваъдаларнинг амалда бажарилиши, меҳнат шартномасига риоя этилиши, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши ва фуқаро ҳуқуқлари бузилганда унга кўмак кўрсатилиши ҳам муҳим.

Агентликлар томонидан таклиф этилаётган иш ўринлари, хизмат ҳақи ва меҳнат шартлари ҳақидаги маълумотлар очиқлиги фуқароларни алданган ҳолда ноқонуний воситачилик ва одам савдоси хавфидан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг йиғилишда билдирган қуйидаги сўзлари жуда муҳим: **“Чет элда меҳнат қилаётган бирорта юртдошимиз ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслиги керак, Ватанининг ҳимоясини сезиши зарур”.**

Қолаверса, қийин вазиятга тушган фуқароларнинг “Онлайн маҳалла” платформаси орқали мурожаат қолдириш имконияти яратилиши, зарур ҳолларда элчиларнинг хорижда ишлаётган фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг иш берувчилар билан юзага келган муаммоларини ҳал этиш, иш визалари ва меҳнат квоталари масалаларида кўмаклашиш билан шахсан шуғулланиши белгиланди.

Бунда энг муҳим жиҳат мурожаатнинг қабул қилиниши билангина чекланмай, унда кўтарилган масаланинг ваколатли органлар томонидан ўз вақтида ва натижали кўриб чиқилишидир.

Шу жиҳатдан хорижий давлатларнинг омбудсманлари билан фуқаролар мурожаатларини биргаликда кўриб чиқиш, ҳуқуқий ёрдам механизмларини такомиллаштириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш омбудсман институти фаолиятида муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Миграциянинг ижтимоий таъсири фақат хорижда ишлаётган инсон билан чекланмайди. Унинг ортида оила, фарзандлар, кекса ота-оналар бор. Меҳнат миграцияси оила даромадини ошириш билан бирга айрим ҳолларда фарзандлар тарбияси, таълим олиши, оила аъзоларининг ижтимоий ва руҳий ҳолати билан боғлиқ масалаларни ҳам юзага келтиради.

Шу боис, Президентимиз томонидан ҳокимларга хорижда меҳнат қилаётган фуқароларнинг оилалари, ота-оналари ва фарзандларини қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилди.

Бундай қўллаб-қувватлашда болалар манфаатлари устувор бўлиши, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя хизматларидан фойдаланиш имкониятлари таъминланиши зарур.

Келажакка ишонч

Йиғилишда кўтарилган яна бир муҳим масала хорижда орттирилган иш стажи ва пенсия ҳуқуқларини тан олиш билан боғлиқ бўлди.

Бугун фуқароларимиз 40 дан ортиқ давлатда қонуний меҳнат қилиб, пенсия бадалларини тўламоқда. Ушбу йўналишда Қирғизистон, Озарбайжон ва Туркия билан икки томонлама битимлар имзолангани, бошқа давлатлар билан ҳам шундай келишувларга эришиш вазифаси белгилангани фуқароларнинг узоқ муддатли ижтимоий ҳимояси учун аҳамиятлидир.

Инсон хорижда ўн йиллаб меҳнат қилиб, Ватанига қайтганида унинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий кафолатлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Шунинг учун иш стажи ва пенсия ҳуқуқларини тан олиш бўйича давлатлараро келишувларга эришиш ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Йиғилишда миграциядан қайтган фуқаролар бандлигини таъминлаш ҳам эътибор марказида бўлди. Унда келтирилган маълумотларга кўра, йил бошидан буён 1 миллион 116 минг фуқаро хориждан қайтган. Йил якунига қадар уларнинг 250 минг нафарига муносиб иш топишга кўмаклашиш вазифаси қўйилди.

Миграциядан қайтиш инсон учун янги қийинчиликлар бошланадиган даврга эмас, балки тўплаган тажрибасини ўз юртида қўллаш имкониятига айланиши керак.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Ўзбекистонга ишлаш учун келаётган хорижлик фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Шунинг учун миграция жараёнларини тартибга солишда миллий меҳнат бозори манфаатлари билан бирга, хорижий фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳам муҳимдир.

Умуман олганда, Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йиғилишда белгиланган вазифалар меҳнат миграциясига фақат иқтисодий ва ижтимоий жараён эмас, балки инсон ҳуқуқлари ва қадр-қиммати таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш зарурлигини кўрсатди. Бу эса омбудсман институти зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Зеро, хориждаги фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг муҳим мезон уларнинг қонунларда белгиланган кафолатлардан амалда фойдалана олишидир. Шу боис, омбудсман хориждаги юртдошларимизнинг мурожаатларини ўрганиш, ҳуқуқлари бузилганда ваколатли идоралар билан ҳамкорликда ҳуқуқий ҳимоя механизмларини ишга солиш, шунингдек, парламент дипломатиясининг муҳим йўналишларидан бири сифатида хорижий давлатлар омбудсманлари билан тўғридан тўғри мулоқот ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, уларнинг институционал имкониятларидан фойдаланган ҳолда фуқароларимиз ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш ҳамда мавжуд ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади.

Президентимиз таъкидлаганидек, оиласи фаровонлиги, фарзандлари келажаги учун олис юртларда ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир инсон ҳурматга муносиб. Бу ҳурмат фақат эътирофда эмас, унинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида, мурожаатларига эътибор берилишида, оғир вазиятга тушганда ёрдам қўли чўзилишида ҳам намоён бўлади.

Зеро, фуқаро давлат ҳимоясини, энг аввало, қийин вазиятда ёлғиз қолмаганида ҳис қилади. Ватанидан қанчалик олисда бўлмасин, унинг ҳуқуқлари, қадр-қиммати ва манфаатлари эътибордан четда қолмаслиги барчамизнинг масъулиятимиздир.

Агротармоқ

ЎЗГАРИШЛАРНИ ФАОЛИЯТИМИЗДА, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРДА ҲИС ҚИЛЯПМИЗ

Тадбиркорлик ривожи учун, аввало, ишонч, эркинлик ва ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган муҳит зарур. Чунки тадбиркор ўз фаолиятини эркин ташкил этса, олдидаги мақсадларини аниқ белгиласа, давлат томонидан зарур кўмак ва имкониятларга эга бўлса, янги иш ўринлари яратади, ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшади.



Азамат СУЛТОНОВ, “Buxoro Agroklaster Chorva” корхонаси раҳбари

Бундан ўн йиллар олдинги тадбиркорлик муҳитини бугунгиси билан таққосласак, жуда катта фарқни кўрамиз. Ўша пайтларда иш бошлаш, фаолиятни кенгайтириш ҳақида ўйлаганда, турли текширувлар, ортиқча оворагарчиликлар ва эртанги кунга ишончсизлик кўнглимизда хавотир уйғотарди. Бугун эса тадбиркорликка муносабат тубдан ўзгарди. Бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш, ташаббусларини рўёбга чиқариш, муаммоларини ҳал этиш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бу ўзгаришларни кундалик



фаолиятимизда, амалий натижаларда ҳис қиляпмиз.

“Buxoro Agroklaster Chorva” корхонамиз фаолияти ҳам ана шу имкониятлар самарасининг бир намунасидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пахтачилик-тўқимачилик кластерлари олдига чорвачилик мажмуалари ташкил этиш, уларнинг қувватини босқичма-босқич минг бошдан уч минг бошгача етказиш вазифаси қўйилган эди. Биз ҳам ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, чорвачилик йўналишида йирик лойиҳани амалга оширишга киришдик.

Дастлаб Германия, Нидерландия, Чехия ва Швейцария каби давлатлардан 1,5 минг бош наслли қорамол олиб келдик. Бугун уларнинг сони уч минг бошга етди. Мазкур кўрсаткич ортида катта меҳнат, изланиш, замонавий тажрибани ўрганиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш саъй-ҳаракатлари турибди. Давлатимиз томонидан ажратилаётган субсидиялар, тадбиркорлар муаммоларини ҳал этишда кўрсатилаётган амалий ёрдам ва яратилаётган қулайликлар фаолиятимизни ривожлантиришда муҳим таянч бўлмоқда.

Бугун мажмуада 2 минг бош соғин сигир ва 1 минг бош бузоқ парваришланмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларимиздан келиб чиқиб, йилига 71 миллиард сўмлик сут, 440 миллиард сўмлик гўшт маҳсулотлари ҳамда 22 миллиард сўмлик наслли бузоқ етиштириб, ички бозорга етказиб бериш йўлга қўйилган. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва маҳаллий ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фаолиятимизда яна бир муҳим йўналиш — хонадонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ҳозирга қадар 500 та хонадонга сутдор сигирлар етказиб берилди. Улардан сутни ўзимиз қайта сотиб олиб, қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотга айлантиряпмиз. Бу тизим аҳоли учун қўшимча даромад манбаи яратиш, хонадонларда чорвачиликни ривожлантириш ва сут маҳсулотлари таъминотини барқарорлаштиришга хизмат қилмоқда. Келгусида ҳамкорликдаги хонадонлар сонини мингтага етказишни режалаштирганмиз.

Бизнингча, кластер тизимининг энг катта афзаллиги ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини ўзаро боғлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришдан тортиб, уни қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараённи ягона тизим асосида ташкил этишдир. Бу орқали маҳсулот сифати назорат қилинади, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, фермер ва хонадонлар учун барқарор ҳамкорлик муҳити шаклланади.

Режаларимиз катта. Чорва моллари наслдорлигини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қайта ишлаш имкониятларини кенгайтириш ва хонадонлар билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун замонавий технологияларни жорий этиш, илғор хорижий тажрибани ўзлаштириш ва малакали мутахассислар салоҳиятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз, тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятларни катта масъулият сифатида қабул қиламиз. Зеро, давлатнинг ишончи ва қўллаб-қувватлашига амалий натижалар билан жавоб беришимиз керак. Ҳар бир янги лойиҳа, яратилган иш ўрни, етиштирилган маҳсулот ва қўшимча даромад топаётган хонадон ортида шу масъулият мужассам. Ишончимиз комилки, тадбиркорликка кўрсатилаётган эътибор, изчил ислоҳотлар ва яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшамиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

2026 йил 6 ноябрь, 230-сон

Президентимиз Қарши давлат университетида таълим олиш ва илмий тадқиқотлар қилиш учун яратилган шароитлар билан танишди. Университетнинг таълим салоҳияти, халқаро ҳамкорлиги, замонавий илмий инфратузилмаси ва талабалар учун яратилган қулайликларга эътибор қаратилди.

Таҳлил



МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалар ҳудуд ривожида катта аҳамият касб этади



Президентимизнинг яқинда Қашқадарё вилоятига ташрифи айрича мазмун ва моҳиятга эга бўлди. Зеро, ташриф давомида воҳанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва мавжуд муаммоларга амалий ечим топиш билан боғлиқ мисли кўрилмаган истиқболли режалар ва ташаббуслар илгари сурилди. Бу галги ташриф мазмуни “Билимга — рағбат, меҳнатга — имконият, ташаббусга — мадад” шиорида бўй кўрсатди.

Санжар ЧОРИЕВ,
Қарши давлат университети профессори

Билимга — рағбат

Президентимиз илгари сурган ушбу ҳаётий тамойил замирида инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш, йигит-қизларимизнинг билим ва касб-ҳунар эгаллашга интилишларини қўллаб-қувватлаш ғояси мужассам бўлди.

Бугунги кунда билим ва касб-ҳунар нафақат шахсий камолот, балки иқтисодий тараққиёт, ижтимоий барқарорлик ва турмуш фаровонлигининг ҳам муҳим омилидир. Шунинг учун давлат сиёсатида ёшларга сифатли таълим бериш, замонавий технологияларни ўзлаштириш борасидаги интилишларини рағбатлантириш, ўзлаштирган назарий билимларини амалий кўникмалар билан уйғунлаштириш чораларига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари илғор касбий маҳорат техникуми ва унинг негизида ташкил этилган “Касблар шаҳарчаси” фаолияти билан танишаркан, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, билим ва малакасини ошириш, замонавий меҳнат бозори талабларига мос мутахассислар тайёрлаш масалаларига эътибор қаратди. Қиймати 42 миллиард сўм бўлган мазкур техникумда 10 та йўналиш бўйича 417 ёш таҳсил олаётгани, ўқув жараёнига Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой ва Жанубий Кореянинг илғор тажрибалари татбиқ этилаётгани касбий таълимни халқаро тажриба асосида ташкил этишга интилишлар интенсив тус олаётганини кўрсатиб турибди. Техникумда ёшларга назарий билим улашиш билан чекланмасдан, амалий кўникмаларни шакллантиришга ҳам устувор аҳамият берилмоқда.

Билимга рағбат беришнинг яна бир муҳим йўналиши иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ. Мамлакатимиз етакчиси вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган йиғилишда Қарши шаҳридаги Президент мактаби “Cambridge” имтиҳонларида республика бўйича юқори натижа қайд қилганини, Абдулла Орипов номидаги ижод мактабининг “Заковат” турнирида ғолиб бўлганини эътироф этди. Косонлик ўқувчи Муроджон Ҳалимовнинг SAT имтиҳонида максимал 1600 балл тўплаганини алоҳида қайд қилиб ўтди. Шу муносабат билан келгуси йилдан ҳар бир туманда биттадан мактабда аниқ фанларни чет тилда ўқитишни йўлга қўйиш, барча туманларда робототехника тўгарақларини ташкил этиш вазифалари белгилаб берилди. Қашқадарёлик 500 ёшни немис тилига ўқитиб, Германияда ҳақ тўланадиган амалиётга юбориш ташаббуси илгари сурилди.

Президентимиз Қарши давлат университетида таълим олиш ва илмий тадқиқотлар қилиш учун яратилган шароитлар билан танишди. Университетнинг таълим салоҳияти, халқаро ҳамкорлиги, замонавий илмий инфратузилмаси ва талабалар учун яратилган қулайликларга эътибор қаратилди.

Айни пайтда Қарши давлат университетида бакалавриат ва магистратура босқичларида 14 мингдан ортиқ талабага 579 профессор-ўқитувчи таҳсил бермоқда. Университетда инглиз филологияси, математика, амалий математика ва физика таълим йўналишлари халқаро аккредитациядан ўтказилган. Россия ва Беларусь олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 14 та қўшма таълим дастури ишга туширилди. Кейинги йилларда тиллар факультетида минг ўринли замонавий медиастудия, шунингдек, хитой, немис, француз, инглиз ва рус тилларини ўрганиш марказлари ташкил этилди. Халқаро дастурлар доирасида синхрон таржимонлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олийгоҳда илмий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратилган муҳим қадамлардан бири еттита лабораторияни бирлаштирган Халқаро лабораториялар маркази ташкил этилгани бўлди. Ҳозир марказда сунъий интеллект, машинали ўқитиш ва робототехника йўналишларида илмий изланишлар қилинмоқда. Университетда талабалар учун учта янги турар жой қурилиб, 1300 дан ортиқ қўшимча ўрин яратилди. Натижада бу борадаги эҳтиёж тўлиқ қопланди.

Олийгоҳ ҳудудида 240 ўринли болалар боғчаси, кутубхона, ошхоналар, ёшлар маркази ва анжуманлар саройи фаолият юритмоқда. Университет ҳузурида “Лочин” футбол жамоаси ташкил этилиб, унинг машғулотлари учун замонавий спорт майдони қурилган. Давлатимиз раҳбари университетдаги шароитлар билан танишаркан, уларни замонавийлаштиришга доир қимматли ғоя ва таклифларни илгари сурди. Ташриф давомида касбий таълимни такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, замонавий фан ва технологияларни ўрганиш учун янги имкониятлар яратиш бўйича белгилаб берилган вазифалар “Билимга рағбат” тамойилининг амалий аҳамиятини очиб берди.

Меҳнатга — имконият

Ушбу ҳаётий тамойил замирида воҳа аҳолининг ҳалол меҳнат орқали фаровон ҳаётга эришишга бўлган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ғояси мужассам, десак айни ҳақиқат. “Меҳнатга — имконият” тамойили чуқур ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга. Унинг моҳияти шундаки, тараққиётга юз тутаётган ҳар бир юртда инсоннинг ҳалол меҳнат қилиши, иқтидорини намоён этиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоғи лозим. Бунинг учун иш ўринлари сонини кўпайтириш билан чекланмасдан, аҳолининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, меҳнат натижаларини муносиб қадрлаш ҳам тақозо этилади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги лойиҳалари ва маҳаллалардаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви



алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, Қарши шаҳридаги “Sulton tex group” тўқимачилик кластери фабрикасида 54 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, йилига 20 минг тонна мато ишлаб чиқариш ва бўяш қувватлари йўлга қўйилган, 840 та иш ўрни яратилган. Корхонада сувнинг 95 фоиздан ортиғини тозалаб қайта ишлатиш имконини берувчи тизим жорий этилгани иқтисодий самарадорликни экологик масъулият билан уйғунлаштириш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Қашқадарёнинг меҳнат ва тадбиркорлик салоҳиятидан оқилона фойдаланишда қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Вилоятнинг иқлим шароити, ер ва сув ресурслари, деҳқончилик ҳамда чорвачилик анъаналари янги даромад манбаларини шакллантириш учун кенг имкониятлар яратади. Давлатимиз раҳбари вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзи қўшимча равишда 200 минг кишини даромадли қилиши мумкинлигини таъкидлади. Бунинг учун яйловлардан самарали фойдаланиш, чорвачилик комплекслари ташкил этиш, янги ер майдонларини ўзлаштириш ва сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш кераклиги айтилди.

Имконият яратишда маҳаллаларнинг ўрни катта. Бу борада Қамаши туманидаги Чим маҳалласи тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ. Маҳаллада ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, аҳолини иш билан таъминлаш эвазига камбағалликни бартараф этиш борасида кўзга кўринарли натижаларга эришилган. Давлатимиз раҳбари ушбу тажриба асосида келгуси йилда ҳар бир туманда иккитадан замонавий маҳалла марказини ташкил этишни таклиф қилди.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлашда туризм салоҳияти алоҳида ўрин тутишини қайд этди. Вилоятга йил бошидан буён 2,5 миллиондан ортиқ сайёҳ келгани, жумладан, Ғелон қишлоғига ташриф буюрганлар сони 500 минг кишига етгани мазкур соҳанинг иқтисодий имкониятларини ёрқин намоён этиб турибди. Ғелонда тоғ-чанғи курорти ривожлантирилиши, тоғ қишлоқларида этнотуризм ташкил этилиши, Шаҳрисабз туманида рафтинг ва спорт туризми йўлга қўйилиши маҳаллий аҳоли учун хизмат кўрсатиш, ҳунармандлик, умумий овқатланиш ва меҳмонхона бизнеси соҳаларида янги иш ўринлари яратади.

“Меҳнатга — имконият” тамойили аҳамияти саноатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, туризм имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллаларда бандликни таъминлаш кабиларда намоён бўлади.

Ташаббусга — мадад

Ушбу ҳаётий тамойил замирида фуқаролар ташаббусларини амалий натижага айлантириш ғояси турибди. Жамият тараққиётини таъминлашда ташаббускорликнинг аҳамияти беқиёслигини исботлашга ҳожат йўқ. Зеро, ҳар қандай ислоҳот муваффақияти жамият аъзоларининг янгиликка интила олиши, ўз ғояларини амалий натижага айлантириши билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида илгари сурган “Ташаббусга — мадад” тамойили алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Ушбу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш учун Қашқадарё вилоятида етарли иқтисодий ва ижтимоий салоҳият мавжуд. Вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, туризм ва ҳунармандлик соҳаларида янги ғояларни амалга ошириш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш ва аҳоли бандлигини кенгайтириш имкониятлари катта. Бироқ давлатимиз раҳбари мулоҳазаларидан кўринадики, бу ишларни рўёбга чиқариш учун ташаббускор фуқароларни аниқлаш, уларнинг лойиҳаларини пухта баҳолаш, зарурий ресурслар билан таъминлаш, ташаббусларнинг натижадорлигини мунтазам кузатиб бориш талаб этилади.


Ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга молик илғор ташаббус молиявий ва ташкилий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватланганидагина рўёбга чиқади. Шунинг учун тадбиркорларга кредит ажратишда уларнинг пул оқими ва аниқ буюртмаларини ҳисобга олиш, ортиқча ҳужжатбозликни қисқартириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, ҳудудларни режали ривожлантириш, аҳоли учун замонавий яшаш муҳитини яратиш ва экологик барқарорликни таъминлаш ташаббусларига эътибор қаратилди. Қарши шаҳри, Кўкдала ва Қарши туманлари чегарасида 500 минг аҳолига мўлжалланган Янги Қарши шаҳрини барпо этиш, янги ҳудудларни “яшил” ва “ақлли” шаҳар тамойиллари асосида ривожлантириш режалари шулар жумласидандир. Маҳаллаларда яшил ҳудудларни кўпайтириш, кўчат экиш ва ҳар йили Наврўз арафасида “Энг яшил маҳалла” танловини ўтказиш ташаббуслари эса аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳамда жамоавий масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади. Бу ташаббуслар фуқароларни ислоҳотларнинг фақат кузатувчисига эмас, балки бевосита иштирокчисига айлантиради.

Президентимизнинг Қашқадарёга ташрифи нафақат келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш имконини берди, балки аҳолини руҳлантирувчи, кайфиятини кўтарувчи, келажакка ишончини оширувчи омил бўлиб хизмат қилди. Ташриф давомида воҳа иқтисодий имкониятларини аҳоли эҳтиёжлари билан уйғунлаштиришга урғу берилди. Бундай ёндашув одамларда ўз муаммолари эътибордан четда қолмаётгани, турмушини фаровонлаштириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралаётгани ҳақидаги тасаввурни кучайтирди. Айни пайтда воҳа аҳли кайфияти ва келажакка ишончининг мустаҳкамланиши ташрифнинг ўзи билангина эмас, балки белгиланган вазифаларнинг қадр-қиммати ва кўлами билан ҳам боғлиқ бўлди.

Учрашув чоғида вилоят аҳолиси, тадбиркорлар, ёшлар ва таълим муассасалари вакилларининг умидлари, ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса кишиларни ўз ғояларини амалга ошириш, воҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиш сари руҳлантирди. Айниқса, иқтидорли ёшлар ютуқлари эътироф этилиши, уларнинг билим олиши ва касбий ривожланиши учун янги имкониятлар тақдим этилиши воҳа йигит ва қизларининг қаддини кўтарди, келажакка ишончини юксалтирди.

Таълим одимлари



УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БИЛИМ ВА ЗАКОВАТИ БАЛАНД, ДУНЁҚАРАШИ КЕНГ КАДРЛАР ЯРАТАДИ

Мутахассислар фикрича, инсон ўқиш орқали 10 фоиз, кўриш орқали эса уч баробар ортиқ — 30 фоиз маълумотни олади. Дунё илмидаги “Ўрганиш пирамидаси” деб номланган халқаро моделда бу жиҳатга катта эътибор қаратилиб, ўқиш, эшитиш, кўриш орқали билим тўплаш самарадорлиги ўрганилган ва тадқиқот натижасига кўра, билим олишнинг энг самарали усуллари соҳа вакиллари билан муҳокама қилиш, фикр алмашиш ёки ишни амалда бажариш ҳисобланади. Шунинг учун таълим тараққиётида хорижий таълим муассасалари билан ўзаро тажриба алмашиш, халқаро анжуманларда иштирок этиш, талабалар алмашинуви, профессор-ўқитувчиларнинг чет элда малакасини ошириш тизими муҳим ўрин тутади.



Зиёда МУҲАММЕДОВА,
Тошкент давлат транспорт университети профессори

Ушбу жараёнларда маълумот олишнинг барча усулидан фойдаланилади. Масалан, ўқитувчи малака ошириш учун нуфузли хорижий университетга бориш орқали у ердаги таълим тизими билан танишади. Таълим даргоҳининг профессор-ўқитувчилари билан ўзаро фикр алмашиб, мулоҳаза юритади. Шунингдек, ўқув жараёнларида қатнашиши ёки у ердаги талабаларга дарс ўтиб кўриши мумкин.

Кейинги йилларда юртимиз таълим тизимидаги туб ислоҳотларда чет давлатлар университетлари билан ҳамкорликда халқаро тажриба алмашишга алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, чет эллик мутахассисларни ўзбек таълим тизимига жалб қилиш, мамлакатимизда дунёнинг нуфузли университетлари филиалларини очиш, ўзимизнинг мутахассисларни хорижга малака ошириш учун юбориш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз ташриф билан қай давлатга бормасин, албатта, ўша мамлакатнинг таълим ташкилотлари, хусусан, вазирликлари, ўқув юртлари билан шартнома қилиш асосий йўналишлардан бири сифатида қаралади.

Биргина мисол. Йил бошида Туркияга ташриф чоғида таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди. Унда бир қатор йўналишлар — олий таълимда, таълим муассасалари ўртасида алоқаларни ривожлантириш, илмий ва академик ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди. Жумладан, мамлакатимизда очилган Туркий давлатлар халқаро университетига Туркиядан академик кадрлар жалб қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистонда Германия Амалий фанлар университетини ташкил этиш, дуал таълим тизимини такомиллаштириш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ҳамкорлигини кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш каби салмоқдор шартномалар тузилди. Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги ҳамкорлигига назар ташласак, у асосан бешта йўналишда кечаётганини кўриш мумкин.

Биринчиси, академик мобиллик, яъни талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг хорижда тажриба алмашишини, билимини орттиришни ташкил этиш; **иккинчиси,** хорижий таълим муассасалари мутахассисларини Ўзбекистон университетларига ишлаш, маъруза ва семинар машғулотларига жалб этиш; **учинчиси,** қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш; **тўртинчиси,** хорижий таълим муассасалари филиалларини очиш; **бешинчиси,** қўшма тадқиқотлар, илмий лабораториялар, конференциялар ва халқаро илмий лойиҳаларни ривожлантириш.

Ушбу ҳамкорлик таълим тизимимизнинг кейинги тараққиётига хизмат қилмоқда. Олий таълим муассасаларимиздан халқаро тажрибага эга, дунёқараши кенг, етук кадрлар етишиб чиқишига катта ҳисса қўшаётир. Бундай етук кадрлар эса, ўз навбатида, келгусида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жиҳатдан янада барқарорлашиши, тараққий этишига ўз ҳиссасини қўшади.

Хорижий давлатлар ва уларнинг таълим муассасалари билан ҳамкорлик кучайиши олийгоҳларимизга халқаро таълим сифати мезонларини жорий этишда қўл келмоқда. Хусусан, бу йўлда ўтган йили ТОП — 500 таликка кирган 9 та хорижий олийгоҳ билан келишувларга эришилиб, улар билан ҳамкорликда 17 та қўшма таълим дастури қабул квоталари тасдиқланди. 11 та олийгоҳдаги 40 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтказилди. ТОП — 300 таликка кирган хорижий олийгоҳларнинг таълим дастурлари асосида давлат олий таълим ташкилотларидаги юқори курсларнинг 14 мингдан ортиқ ўқув дастури такомиллаштирилди. Профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 6139 профессор-ўқитувчи хорижда малака оширди, 3859 хорижий профессор-ўқитувчи эса ўқув жараёнига жалб этилди.

Айниқса, хорижий таълим муассасалари билан йўлга қўйилаётган академик алмашинув дастурлари таълим соҳаси модернизациялашуви ҳамда замонавий билимлар масканига айланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда, асосан, ривожланган мамлакатлардаги университетлар таълим жараёнларида компьютер технологиялари, рақамлаштириш ва илм-фан соҳасидаги инқилобий ўзгариш — сунъий интеллектдан қандай самарали фойдаланилаётгани ўрганилмоқда.

Шундай халқаро академик алмашинув дастури доирасида Ўзбекистон академик ҳамжамияти вакиллари қаторида мен ҳам АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Роуэн университетида бўлдим. Дастур иштирокчилари у ерда замонавий технологиялар, сунъий интеллект, транспорт муҳандислиги, логистика ва инновацион ўқитиш усуллари билан яқиндан таништирилди. Ушбу университет дунё илм-фан соҳасида бугунги кунда муҳандислик, сунъий интеллект, бизнес, тиббиёт, таълим ва амалий-илмий тадқиқотлар соҳаларидаги ютуқлари билан танилган йирик давлат тадқиқот олийгоҳларидан бири. Ҳамкасблар билан бирга турли экспертлар маърузалари, сунъий интеллект бўйича семинарлар, лабораторияларга ташрифлар, амалий намойишлар ва интерактив муҳокамаларда қатнашдик. Тадбирлар сунъий интеллект, виртуал реаллик, “ақлли” технологиялар ва маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш жараёнлари олий таълим, муҳандислик ҳамда транспорт тизимларини қандай ўзгартираётгани ҳақида қимматли маълумотларни берди.

Малака ошириш давомида сунъий интеллект имкониятлари билан такомиллаштирилган таълим модели бўйича тасаввурим кенгайди. Транспорт муҳандислиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этишнинг истиқболли йўлларини кўрдим. Бундай академик алмашинувлар профессор ўқитувчиларнинг билим-малакасини янада орттириб, ўз илмий тадқиқот ишини янада пухта ва самарадор, жамият ривожига кўпроқ ҳисса қўшадиган қилиб тайёрлаши учун замин ҳозирлайди. Албатта, ушбу тажриба тўғридан тўғри таълим тизими ривожига ҳам катта ҳисса қўшади.

Бугунги глобаллашув даврида таълим тизимини ислоҳ қилишда халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Замонавий дунёда нафақат таълим тизими, балки мамлакатнинг ҳеч бир соҳаси ўз қобиғига ўралган ҳолда тараққий эта олмайди. Шу нуқтаи назардан, турли соҳаларда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш Ўзбекистон ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айниқса, дунёқараши кенг етук кадрлар етиштиришда бу жуда муҳим. Боиси, янги Ўзбекистонни айнан шундай кадрлар яратиши мумкин.


Абдурауф Фитрат таваллудининг 140 йиллиги

2026 йил 6 ноябрь, 230-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллат руҳининг мухандиси



Бу йилги таътилни ўзим туғилиб вояга етган масканда, қадрдонларим даврасида ўтказдим. Фурсатдан фойдаланиб, буюк алломалар ва етти пир бешиги бўлган қадимий Бухоронинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилдим. Бу табаррук заминда улуғ зотлар қаторида жорий йил қутлуғ 140 йиллик таваллуди нишонланаётган биринчи ўзбек профессори, тарихчи олим, маҳоратли таржимон ва оташнафас адиб Абдурауф Фитрат ҳам камол топган.

Адиб номи билан аталувчи Фитрат кўчаси бўйлаб юрар эканман, атрофнинг файзу таровати ўзгача эканини ҳис қилдим — гўё маърифатпарварлик руҳи ҳалиям бу масканда кезиб юргандек. Хушҳаво Фитрат боғига қадам қўйганимда эса мажнунтоллар шивирида шоирнинг оташин шеърлари қайта акс садо бераётгандек бўлди:

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.
Ўртоқ қонин қонмай ичкан зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?

Боғ бағрида қад ростлаган Абдурауф Фитрат уй-музейи остонасидан ҳатлар эканман, алломанинг қўлёзмалари, ўша давр суронларидан омон қолган тошбосма китобларнинг асл нусхалари ҳамда юрак қони билан ёзилган асарлари билан юзма-юз келдим.

Музейдаги тарихий хотиралар оғушидан чиқиб, кўҳна шаҳарнинг қадимий қисми томон пиёда йўл олдим. Баланд деворли тор кўчаларни томоша қилиб, ниҳоят маҳобатли Мир Араб мадрасаси қаршисида тўхтадим. Эски шаҳарга оқшом сокинлик билан чўкаётган бир паллада асрлар давомида қанчадан қанча ҳукмдорлар, фозиллар ва зоҳидларни кўрган мовий гумбазлар узра азон овози таралди.

Ушбу муаззам садо асрий сукунатни бузиб, кузнинг изғиринли ҳавосида қалбимга ажиб бир титроқ солди. Хаёлан шу мадрасанинг кичкина, совуқ ва зах ҳужраларидан бирига мўралайман. Гўё амирлик тузуми ва турғунлик ҳукмрон бўлган ўша олис йилларда бир йигит қўлларида сарғайган қадимий қўлёзмаларни тутганча, чироқ нурида хаёлга чўмиб ўтиргандек гавдаланаверди.

Бу йигит — Абдурауф Фитрат. Ўтмиш ва бугунги кун сукунатини тинглаб турган мадрасанинг баланд деворлари орасида бўлажак адиб нафақат диний илмларни мукаммал эгаллаган, балки она тилимизни, маданиятимизни асраб қолиш ҳақида қалбида буюк бир исённи пишитиб борган бўлса, не ажаб.

Ўзбек тили шунчаки оддий сўзлашув воситаси эмас, балки халқнинг борлиғи, яшаб қолиш шарти эканини бўлажак олим мана шу мадраса ҳужрасида тунларни тонгга улаб, юрак-юракдан англаб етганини бугун — орадан бир асрдан ортиқ вақт ўтиб, айнан шу ерда унинг мухлиси ўлароқ янада теранроқ ҳис қилдим.

Фитрат феномени

Абдурауф Фитрат (асл исми Абдурауф Абдураҳим ўғли) — ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим, таниқли давлат ҳамда жамоат арбоби, биринчи ўзбек профессори. У дастлаб Мир Араб мадрасасида таҳсил кўрган. 1902-1903 йилларда ҳаж сафари муносабати билан Туркия, Ҳиндистон ва Арабистон мамлакатларида, тахминан 1906-1908 йилларда эса Россиянинг Москва, Петербург сингари шаҳарларида бўлган. Шундан кейин Фитрат ўқишни давом эттириш истагида 1909-1913 йилларда Истанбулда яшаган. Абдурауф Фитратнинг бой илмий ва адабий меросини бугунги давр мезонлари асосида қайта англаш, унинг адабиётшуносликдаги ўрнини теранроқ таҳлил қилиш мақсадида филология фанлари доктори, профессор Шоира АҲМЕДОВАнинг фикрларига ҳам қулоқ тутдик:

— Фитратнинг отаси Абдураҳимбой ўқимишли, дунё кўрган инсон сифатида фарзанди Абдурауфнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. Тангрининг инъоми бўлса керак, онаси Мустафобиби ёш Абдурауфга Шарқ эртаклари, Навоий ва Бедил ғазалларини ўқиб бериб, ўғлининг қалбида сўз санъатига нисбатан илк муҳаббат учқунларини ёққан.

Фитрат миллий уйғониш даври маданиятимиз ва илм-фанимизнинг чинакам қомусий феноменидир. Араб, форс ва турк тилларини мукаммал билгани туфайли Шарқнинг буюк алломалари ижодини пухта ўзлаштирган.

У адабиёт майдонига шунчаки шоир ёки драматург эмас, балки миллат тафаккурини ислоҳ қилувчи олим ва адабиёт назариячиси сифатида кириб келади. Унинг энг катта хизмати жамиятга тирик, жўшқин ва миллий мафкурани олиб кирганидадир. Фитрат биринчилардан бўлиб адабиётни миллатнинг яшаб қолиш, ўзини англаш қуролига айлантирди. Унинг ҳар бир мақоласи ва тадқиқоти ўша даврда тил ҳамда адабиёт майдонидаги ҳақиқий инқилоб бўлган.

Бухоролик бир гуруҳ маърифатпарварлар кўмагида Истанбулга ўқишга юборилган ёш олимнинг дунёқараши Туркия сафари чоғида бутунлай кенгайди. Боиси, Бухородаги диний мутаассиблик ва турғунлик изланувчан қалбга торлик қиларди. Истанбул дорилфунунидаги таҳсил



йиллари бухоролик йигитни янги қиёфадаги миллат раҳнамосига айлантирди.

У ерда чоп этилган “Сайҳа” ва “Мунозара” асарлари Туркистонда худди чақмоқдек чақнаб, кўпларни ғафлат уйқусидан уйғотди. Олим 1913 йилда юртга қайтиб, катта курашлар майдонига кирди. Айниқса, 1920 йилда маориф нозири сифатида Бухорода илк бор миллий дорилфунун ташкил этгани, юзлаб иқтидорли ёшларни Германия университетларига ўқишга юборгани тарихий жасорат эди.

Унинг 1928 йилдаги тазкираси ва “Адабиёт қоидалари” асари эса бугунги ўзбек адабиётшунослигининг фундаментал пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Фитрат шўро армиясининг босқинчилик сиёсатини очиқдан очиқ қоралаган, миллат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйган жасур раҳбар эди.

Иқтибосларда яшаган ҳақиқатлар

Миллий ўзликни англаш ва она тилимиз нуфузини юксалтириш ҳақида сўз борар экан, беихтиёр Абдурауф Фитратнинг илмий-маърифий ғояларига таянамиз. Унинг ўз даврида чоп этилган мақолалари миллатнинг мудроқ қалбини уйғотган кучли нидо бўлган: “Агар бир миллат ўз дини, ўз миллий мактаби ва ўз она тилидан узилса, у миллат ҳалокат ёқасига келиб қолади. Бизнинг мақсадимиз миллатни ғафлат уйқусидан уйғотмоқдир”.

Адиб ўзбек тилини ўзга тиллар соясидан олиб чиқиш, асл софлигини тиклаш учун енг шимариб, чин маънода замонавий ўзбек тилшунослик илми пойдеворини қўйган улуғ устозга айланди. Заҳматли меҳнат маҳсули ўлароқ, машҳур “Сарф” (морфология) ва “Наҳв” (синтаксис) асарлари дунёга келди.

Бу китоблар шунчаки қуруқ қоидалар тўплами эмас, миллатнинг фикрлаш тарзини тартибга солувчи йирик илмий кашфиёт эди. Олим яратган мезонлар ҳозирги замонавий ўзбек адабий тилининг ҳам таянчларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Садриддин Айний 1926 йилда нашр этилган тўпламида Фитратнинг янги давр шеърияти ва маърифатпарварлик ҳаракатидаги ўрнини жуда юқори баҳолаган. Муаллиф Фитратни Бухоро зиёлиларининг энг пешқадамларидан бири сифатида таърифлаб, бундай ёзади:

“Фитрат Бухорода 18 ёшларига қадар ўқиди. Сўнг ҳаж қилди. Туркия, Ҳиндистон, Арабистонда бўлди... Фитрат Бухоро талабаларининг энг фозили ва улуғ уламосининг назаркардаси эди”.

Фитратшунос олим Ҳамидулла Болтабоев эса ўз тадқиқотларида алломанинг илмий мақомини бундай белгилайди:

“Фитрат нафақат тилшунос, балки ўзбек адабиётшунослигининг фан сифатида шаклланиши бошида турган олимдир. Унинг “Адабиёт қоидалари” асари ўзбек адабий назарияси бўйича биринчи замонавий тизимли қўлланмадир”.

Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳам Фитрат ҳақида тўхталиб, бундай дейди:

“Фитрат умуммаданият муаммолари ҳақидаги, жумладан, Шарқ мусиқаси тарихига оид ишлари билан ҳам жуда катта илмий қимматга эга эди ва шарқшунос олимлар доирасида ғоят юксак баҳоланарди”.

Ҳа, адиб асарларини варақлар экансиз, улардаги ҳар бир сатр ва фикр бугунги кун оғриқлари ҳамда ютуқлари билан ҳамнафас эканига гувоҳ бўласиз. Унинг ёзганлари шунчаки тарих саҳифалари эмас, балки миллат тимсолига айланган ҳаётий ҳикматлардир.

Алломанинг маънавий мероси, ҳикматли сўзлари орадан бир аср ўтса-да, қиммати ва қувватини йўқотмади. Улар мудроқ виждонларни уйғотувчи, миллатнинг эртанги кунига йўл кўрсатувчи маёқ каби порлаб турибди.

Драматургия чўққиси

Фитрат нафақат йирик тилшунос олим, балки ўзбек адабиётида янги жанрлар пойдеворини қўйган серқирра ижодкордир. У миллий адабиётимизда драматик асарлар жанрини мутлақо янги фалсафий босқичга кўтарди. Адибнинг “Абулфайзхон” тарихий драмаси миллий драматургиямизнинг ҳақиқий шоҳ асарларидан бири сифатида эътироф этилади. Муаллиф ўз пьесалари орқали нафақат замондошларини, балки келажак авлодни ҳам огоҳликка ва бирдамликни асрашга чақиради.

Адиб фаолиятининг яна бир юксак қирраси шундаки, у Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Умар Хайём ва Машраб каби улуғ сиймолар ҳаёти ҳамда ижодини биринчи бор сохта мафкуралардан холи тарзда, илмий мезонлар асосида тадқиқ этган.

1928 йилда чоп этилган “Ўзбек классик адабиёти намуналари” тазкираси бугунги кунда ҳам адабиётшунослик илмининг муҳим пойдевор манбаларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Фитрат ўз ижоди билан тил қоидалари шунчаки қуруқ мезонлар эмас, балки гўзал санъат асарига, жўшқин бадиий тилга айланиши мумкинлигини амалда исботлаб берган бетакрор сўз заргаридир.

Бугун юртимизда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган қутлуғ даврда жадидлар, хусусан, Абдурауф Фитратнинг “Илм ва маърифат нажоткордир” деган эзгу ғоясига қайта-қайта мурожаат этилмоқда.

Давлатимиз томонидан Фитратнинг миллий давлатчилик ва маърифат йўлидаги хизматларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги нафас

Афсуски, шўролар империяси миллат тили, тарихи ва маданиятини бу қадар теран ҳимоя қилган, тизимга солган улуғ олим ва биринчи ўзбек профессори борлигидан қаттиқ хавфсирарди. Чунки мустабид тузум учун мустақил фикрлайдиган, ўз ортидан бутун бир миллатни эргаштира оладиган эрксевар шахслар ҳамиша энг катта хавф ҳисобланган. Оқибатда 1937 йилнинг баҳорида адиб “халқ душмани” деган сохта ва машъум айблов билан ҳибсга олинди. Аммо аёвсиз руҳий ва жисмоний қийноқли терговлар ҳам унинг букилмас иродасини синдира олмади.

1938 йилнинг 4 октябрида Тошкент шаҳрининг машъум қатлгоҳларидан бирида Абдурауф Фитратнинг ҳаётига нуқта қўйилди. Бироқ зўравон ҳокимият уни жисмонан йўқ қилган бўлса-да, у яратган ўзбек тилшунослиги меросини ва миллат қалбига ёқиб кетган озодлик оловини ўчира олмади. Жаҳолат тиғи шиддатли маърифат оқимини тўхтатишга ожизлик қилди. Фитратнинг “Илм ва маърифат нажоткордир” деган эзгу ғояси диллардан дилларга кўчди.

Адиб таваллудининг 140 йиллик қутлуғ тўйи кенг нишонланаётган жорий йилда ўз она тилимизда фахр билан сўзлашар эканмиз, улуғ олимнинг нафасини, сўнмас маънавий қувватини юракдан ҳис этамиз.

Зеро, Фитрат бизга қолдирган энг улуғ мерос маънан қарам бўлмаслик туйғуси, ўзликни асраш матонати ва она тилимизнинг софлигидир. Кўҳна Бухоро мадрасасининг қоронғи, совуқ ҳужрасида, милтиллаган шам ёруғида бошланган ўша буюк исён бугун мустақил юртимизнинг порлоқ истиқболида, ҳар бир ўзбек фарзанди тилида ва дилида мангу яшашда давом этмоқда. Демак, Фитрат руҳи тирик, нафаси барҳаёт.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Орамиздаги одамлар

Синфхонада туғилган ғоя катта педагогик майдонга чиқди



Айни пайтда боласининг телефонга муккасидан кетмаслиги, телевизор кўришга камроқ вақт ажратиши, мактабдан келибоқ яна дарс тайёрлашга шошишини истамайдиган ота-она бўлмаса керак. Бироқ ҳозир бунақанги болалар деярли йўқ, бунинг иложи ҳам йўқ-да, дейишингиз табиий.

Наманганнинг Уйчи туманидаги 36-умумтаълим мактабининг 2-синфида шундай ўқувчилар бор. Уларнинг синф раҳбари Феруза Мирзахолова бунинг учун тинимсиз изланди. Педагоглар оиласида улғайган бу устоз ҳар гал уйига борганида, отаси таълим соҳасидаги ўзгаришлар, замонавий ёндашувлар ва қандай янгилик яратгани ҳақида сўрайди. Зеро, 36 йилдан буён ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётган қизи замонавий педагогик технологиялар ва интерактив методларни дарс жараёнига татбиқ этишга жуда қизиқади. Энг асосийси, бу орқали у ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичларини мунтазам кузатиб боради. Уларнинг билим олишга қизиқишини ошириш мақсадида турли усул ва методларни синаб келади. Изланувчан устоз ўқувчилар билимини баҳолашнинг ҳам кўплаб турларини қўллаб кўрди. Янгилик яратиш, одатий дарс жараёнига ижодий ёндашув олиб кириш унинг учун шунчаки касбий вазифа эмас, чинакам севимли машғулотга айланган. Янги ўқув йилини ҳам янги ғоя билан бошлашни мақсад қилган педагог бу гал яна бир янгича баҳолаш усулини яратиш устида кўп изланди. Турли ғоялар устида бош қотирди. Ниҳоят креатив ва ўзгача ғоя — “Синф аквариуми” (“Class Fish”) дунёга келди. Америкада дастурчилик бўйича таҳсил оладиган фарзанди билан фикрлашиб, ғояни дастурга айлантирди. Ушбу янгича ёндашув ўқувчиларни дарсларда фаол иштирок этишга, билим олишга ва ўз устида ишлашга рағбатлантиради. Дастурга кўра, синфдаги ҳар бир ўқувчининг монитордаги аквариумда ўз исми билан аталган балиқчаси мавжуд. Ўқувчи дарс давомида фаол қатнашиб, топшириқларни бажариб, билим ва кўникмаларини намоён этгани сари ўз балиқчасини озиқлантириб боради. Ҳафта якунида натижалар сарҳисоб қилиниб, энг юқори кўрсаткичларга эришган ўқувчиларнинг суратлари “Синф юлдузлари” тахтасидан жой олади.

— Бугунги кун ўқувчилари замон билан ҳамнафас, ахборот технологияларига қизиқиши жуда кучли, — дейди Феруза Мирзахолова. — “Синф аквариуми” ғоясини октябрь ойидан амалда қўллай бошладик. Ҳар битта тўғри жавобдан ўқувчи рағбатга эга бўлади, балиқчалар эса катталашиб боради. 35 ўқувчимнинг ҳар кунги жавоблари аквариум рейтингида кўриниб туради. Масалан, душанба куни аълочи ўқувчим Шукрона Аҳмаджонова биринчи ўринга чиқиб, 30 балл билан кунни якунлади. Шу тарзда бир ҳафталик рейтингни чиқариб олишимиз мумкин. Топшириқни бажара олмаган ёки тартибни бузган ўқувчи жамғарган баллар камайиб боради.

Дастурни амалиётга татбиқ эта бошлаганимдан сўнг ҳар кунги кичик ютуқларимни оилам билан баҳам кўриб бордим. Ота-оналардан келаётган фикрлар мени янада руҳлантирди. Уларнинг айтишича, болалар уйга келиши билан дарс қилишга шошадиган, камроқ телевизор кўрадиган, телефонга аввалгидай ёпишмайдиган бўлиб қолишган. Менга айнан шундай натижа керак эди. Чунки уйда пухта дарс тайёрлаган бола дарсда ўз-ўзидан фаол бўлади. Мақсадим — янги Ўзбекистоннинг чинакам пойдеворларини тарбиялаш, аслида. Бироқ ўғлим “Facebook” саҳифасида дастур ҳақида пост қўйганидан кейин унга дунё бўйича қизиқиш ортди. Дастурдан фойдаланиш учун рухсат сўраганлар, бошқаларга улашганлар сони атиги икки кун ичида 5-6 миллиондан ошди. Турли мамлакатлардаги кўплаб ҳамкасбларим дастурга обуна бўлиб, ундан ўз фаолиятида фойдаланмоқда. Қисқа муддатда 300 мингдан ортиқ ўқувчи янгиликдан фойдаланаётганидан хурсандман.



Феруза Мирзахолова хориж мамлакатларида 300 мингдан ортиқ ёш фойдаланаётган мазкур дастурини патентлашни режалаштирмоқда.

“Мен учун бу шунчаки бир баҳолаш дастурининг оммалашуви эмас. Бу оддий бир синфда туғилган ғоянинг катта педагогик майдонга чиқиши, ўқитувчи меҳнати қадрланиши ва ижодкорликнинг чегараси йўқлигига ёрқин далилдир. Бир нарсага амин бўлдим: ўқитувчи фақат билим берувчи эмас, балки янгилик яратувчи, илҳомлантирувчи ва келажакни бунёд этувчи инсондир. Баъзан катта ўзгаришлар айнан кичик синфдаги оддий ғоядан бошланади. “Синф аквариуми” ҳам ана шундай ғоямнинг катта орзулар сари қўйган илк қадамидир”, дейди устоз.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 21:20 Топширилди — 02:05